Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Туркистон

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 12 июнь. Чоршанба. № 38 (14336)

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚАШҚАДАРЁГА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 июнь куни Қашқадарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари вилоят меҳнаткашларининг ҳаёти, бу ерда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишди. Мамлакатимизнинг йирик вилоятларидан бўлмиш Қашқадарё бўйлаб сафари давомида Президент Ғузор, Қамаши, Чироқчи, Яккабоғ, Шаҳрисабз ва Китоб туманларидаги бир қанча жамоа хўжаликларида деҳқонлар, мутахассис ходимлар, раҳбарлар билан учрашиб, пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик соҳаларидаги мавжуд вазият, ечимини кутаётган муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларидаги учрашувларда юртбошимиз оддий меҳнаткашлар, оқсоқоллар ва ёшлар билан мулоқотда бўлди, уларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Шунингдек, Ислом Каримов Шаҳрисабз шаҳридаги Оқсарой майдонида Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан қад кўтараётган соҳибқирон ҳайкали ва ёдгорлик мажмуи қурилишини кўздан кечирди. Қарши шаҳрида марказий футбол стадиони ва бошқа янги спорт иншоотлари билан танишди, шаҳар бозорида бўлди.

Президентнинг Қашқадарё вилоятига сафари чоғида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Қашқадарё вилояти ҳокими Озод Пармонов унга ҳамроҳлик қилди.

Шу куни кечқурун Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

1996 ЙИЛ — АМИР ТЕМУР ЙИЛИ

ЖАМҒАРМА ЯНГИ УФҚЛАРНИ ОЧМОҚДА

Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Тошкентда ўтказилган халқаро амалий конференцияда халқаро Амир Темур жамғармасининг вазифалари муҳокама қилинди. Унда Ўзбекистон вазирликлари ва идораларининг, республика ва халқаро жамоат ташкилотларининг вакиллари, олимлар, маданият арбоблари, Тошкентда ишлаётган хорижий дипломатлар иштирок этди.

Мажлис бошланишидан олдин унинг иштирокчилари Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиевнинг «Камолот» республика ёшлар жамғармаси биносида Амир Темурга бағишлаб ташкил этилган асарлари кўргазмасини кўздан кечирдилар.

Анжуманни халқаро Амир Темур жамғармаси бошқарувининг раиси академик Б. Аҳмедов маъруза билан очди. У Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани миллий маданий қадриятларни тиклаш, халқ тарихини, буюк аждодларимиз ишларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларни ривожлантириш учун қудратли омил бўлганини таъкидлади.

Жамғарма олдида катта вазифалар турибди, деб уқтирди маърузачи. Жамғарма Амир Темур ва темурийлар ҳаёти ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганишга ёрдам беришдан ташқари, соҳибқирон номи билан боғлиқ барча ижтимоий тадбирларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

Анжуман иштирокчилари халқаро жамоатчилик қўллаб-қувватламаса, жамғарманинг фаолияти етарли даражада самарали бўлмаслигини таъкидладилар. Шу боис хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари билан маданий ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат тайёрланди. Бу элчихоналар ўз мамлакатларида жамғарма бўлимларини очишда, Тошкентда барпо этилаётган ва Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига қадар қуриб битказиладиган Темурийлар тарихи давлат музейи учун экспонатларни сотиб олишда ёрдам беради.

Анжуман қабул қилган қарорда жаҳон маърифати тараққиётига Амир Темур ва унинг авлодлари катта ҳисса қўшгани таъкидланади. Шу муносабат билан учрашув қатнашчилари жамғарма режаларини амалга ошириш фақат Ўзбекистон фуқароларининг иши бўлиб қолмайди, бу ишда хорижда яшаётган ватандошларимиз ва бутун жаҳон жамоатчилиги амалий ёрдам беради, деб ишонч билдирдилар.

Конференцияда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев нутқ сўзлади.

Ҳамкорлик робиталари

МУЛОҚОТДАН — АМАЛИЙ ИШГА

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг яқинда Руминияга расмий ташрифи чоғида иқтисодиёт, фан ва маданиятнинг турли соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган бир қанча битимлар тузилди. Жумладан, фуқаро авиациясини, нефт-газ, мебел, енгил саноатни ривожлантириш каби муҳим соҳаларда ўзаро алоқалар масалалари муҳокама қилинди.

Ташриф тугаганидан сўнг ана шу тармоқларнинг раҳбарларидан ўз фикрлари билан ўртоқлашишни сўрадик.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий компанияси бош директори вазифасини бажарувчи Арслон Рўзметов:

— Ташриф чоғида руминиялик ҳамкасбларимиз — авиаторлар ҳаво транспортининг аҳволи ва уни ривожлантириш тўғрисида, авиасозлик мажмуимизнинг имкониятлари ҳақида ўзларини қизиқтираётган барча ахборотларни олдилар, авиасозлик мажмуи салоҳиятига катта баҳо бердилар. Натижада бир неча ўзаро фойдали битим тузилди. Чунончи, 15 июлда Бухарест-Тошкент-Пекин йўналишида самолётларнинг мунтазам қатновини йўлга қўйиш назарда тутилди. Шу билан Руминиянинг «Таром» авиакомпанияси билан ҳамкорлигимиз бошланади. Бу компания билан барча зарур ҳужжатларни имзоладик, ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини белгилаб олдик. Янги ҳаво йўли фақат Ўзбекистон ва Руминиянинг эмас, балки жаҳондаги бошқа кўп мамлакатларнинг тадбиркорлари ва мутахассислари алоқаларини енгиллаштирадиган, туризмни ривожлантиришга кўмаклашадиган яна бир самовий кўприкни очади, деб умид қиламиз. Бир қанча мамлакатларнинг авиакомпаниялари авиатехникани таъмирлаш ва уни ишлатишда қийинчиликка учрамоқда. Бизда эса ана шу ва бошқа кўп муаммоларни ҳал қилиш учун зарур база мавжуд. Авиаторларимиз жаҳон ҳаво йўлларида қатнаб, катта тажриба орттирган.

«Ўзбекнефтгазқазибчиқариш» давлат акционерлик бирлашмаси раиси Анвар Норматов:

— Ўзбекистон билан Руминияни нефт-газ саноати соҳасидаги кўп йиллик ҳамкорлик боғлаб турибди. Нефтчиларимиз ва газчиларимиз Руминияни бурғилаш ва нефт конлари ускуналарини ишлаб чиқарадиган давлат сифатида танийдилар. Ҳозирги кунда ҳам бурғиланаётган ва ер ости бойликлари қазиб олинаётган иншоотларимизда шу мамлакатда ишлаб чиқарилган ускуналардан фойдаланилмоқда. Етти минг метргача чуқурликда қудуқ қазишга имкон берадиган бурғилаш қурилмалари, махсус ускуналар тажаммулари шулар жумласидандир. Сўнгги уч йилда бир неча миллион АҚШ доллари миқдорида битимлар тузилди, уларнинг кўп қисми амалга ошди, қолганлари ижро босқичида турибди.

Руминиянинг вазирликлари, идоралари, компаниялари вакиллари билан расмий учрашувлар чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятлари, жумладан, Ўзбекистонга қўшимча равишда бурғилаш ва нефт конлари ускуналари, айниқса, бу ерда ишлатилаётган техникага эҳтиёт қисмлар етказиб бериш масалалари кўриб чиқилди. Шерикликни кенгайтириш учун руминиялик мутахассисларни республикамизга таклиф қиламиз, бўлажак битимларни танлов асосида тузиш учун етказиб бериладиган ускуналар ҳажми, нархи, техникавий талабларни биргаликда ўрганамиз.

«Ўзбекмебел» давлат акционерлик бирлашмаси бошқарувининг раиси Семён Мақсудов:

— Бухарестга сафар чоғида мутахассисларимиз машҳур «Пипера» фабрикаси раҳбарларининг фикри билан танишдилар, натижада ўзаро фойдали ахдномаларга эришилди. Ўзбекистонда хорижий сармоядорларга бериладиган катта имтиёзлар, шунингдек, румин мебелининг чиройли ва пухталиги каби омиллар ҳисобга олинди.

Давлатимиз бошлиғининг Руминияга ташрифи туфайли бадиий безакли мебел ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Руминия қўшма корхонаси ва унинг филиалларини қуриш, республикамизда, Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларда Россиянинг жанубий минтақаларида «Пипера» фабрикаси маҳсулотларини сотишда Ўзбекистоннинг алоҳида тижорат ҳуқуқи тўғрисида аҳдлашиб олинди. Ёзнинг ўрталарида руминиялик шериклар битимлар имзолаш учун республикамизга келган пайтда бу масалалар тағин ҳам батафсил муҳокама қилинади.

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси бошқаруви раиси Ботир Эргашев:

— Руминиянинг кўп ташкилотлари ва фирмалари вакиллари, Руминия саноат вазирлиги тўқимачилик ва кўнчилик саноати стратегияси бош бошқармаси раҳбарияти билан учрашувлар кўпгина масалалар юзасидан зарур ахборотларни олиш имконини берди. «Ўзбекенгилсаноат» тегишли битимлар тузилгандан сўнг Руминияга калава ип, ип газлама ва шойи, хом ипак, чарм етказиб бериши мумкин. Бу экспорт эвазига биз Руминиядан жун калава, жун газлама, синтетик чарм, кимёвий тола ва ип олишимиз мумкин бўлади.

Иккала мамлакатда аҳоли эҳтиёжини қондириш учун ва жаҳон бозорига чиқариб сотиш учун қўшма енгил саноат корхоналари барпо этиш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди. Руминиялик касбдошларимиз Ўзбекистонда тўқимачилик саноатини янгилашда иштирок этишга тайёр эканликларини айтдилар. Ҳамкорлик истиқболлари ҳисобга олиниб, иқтисодий илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия доирасида енгил саноат бўйича аралаш ишчи гуруҳини тузиш истаги билдирилди, Ўзбекистон билан Руминия ўртасидаги ўзаро фойдали алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан бундан буён ҳам таклифларни айирбош қилиш тўғрисида ахдномага эришилди.

Суҳбатдош:
Адиба ОТАЕВА,
Георгий КОВАЛЬ,
ЎзА мухбирлари.

ВОРИСЛАРИМИЗНИ ЎЙЛАБ

«Ёшлар ва Ўзбекистоннинг буюк келажаги» мавзуида Фарғонада бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда ўтиш даври ёшларининг аҳволи, жамиятда тутган ўрни, уларнинг маънавий ахлоқий қарашлари, бугунги ислоҳотлардаги иштироклари юзасидан қизғин мунозаралар тус олди.

Вилоят хокими ўринбосари Ф. Азимов, Ўзбекистон Республикаси ёшларнинг «Камолот» жамғармаси бошқаруви раисиниг биринчи ўринбосари М. Қирғизбоев, Фарғона давлат университети профессори, В. Каримова, «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими раиси Г. Абдураимов ва бошқаларнинг маърузаларида эртамизнинг нурли истиқболи бугун улғайиб келаётган авлодни тарбиялаш, уларни комил инсон сифатида шакллантиришга боғлиқ эканлиги таъкидланди.

Анжуманда вилоятда воягa етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар, тижорат телевидениелари орқали кўрсатилаётган баъзи фильмларнинг ёшлар ахлоқига ёмон таъсир этаётгани ҳақида танқидий фикрлар билдирилди.

Анжуманда туман хокимлари ўринбосарлари, «Камолот» жамғармаси туман бўлимлари раҳбарлари, олимлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, ёшлар вакиллари, иштирок этди.

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

ҚУРИЛИШ МАЖМУИ: БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШ ШАРОИТИДА

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган кенгашда бозор муносабатларига ўтиш шароитида қурилиш мажмуининг таннархини камайтириш ва қуриш сифатини яхшилашга доир вазифалари кўриб чиқилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, банкларнинг, қурилиш ишлари буюртмачилари ва пудратчилари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, лойиҳа ташкилотлари, концернлар, корпорациялар ва уюшмаларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Кенгашни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Республикамизда кенг кўламли қурилиш ишлари авж олгани таъкидланди. Бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ бўлган муайян қийинчиликларга қарамай, республикада қурилиш сурьатларини ошириш учун кўп куч-ғайрат сарфланмоқда. Ижтимоий-маданий, маиший мақсадларга мўлжалланган янги-янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилмоқда, бунарсиз давлатнинг чинакам иқтисодий мустақиллигига эришиб бўлмайди, халқ фаровонлиги ошмайди. Кенгашнинг мақсади — қурилишни ташкил этишдаги нуқсонларни таҳлил қилиш, Президент Ислом Каримов Олий Мажлис депутатлари олдига республика Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш таннархини камайтириш масалаларига бағишланган кенгашларида ўртага қўйган вазифаларнинг бажаришни таъминлашдан иборат.

Кенгашда қурилиш мажмуининг мунтазам ривожланаётганини кўрсатувчи аниқ мисоллар келтирилди, тармоқни янада юксалтиришга қаратилган давлат дастурларини амалга оширишдаги камчиликлар кўрсатиб берилди.

Ўтган йилнинг ўзидагина олтин ишлаб чиқарадиган Учқудуқ гидрометаллургия заводи, Қўқон ва Андижонда спирт тайёрлаш корхоналари, Тошкентда қоғоз фабрикаси каби йирик иншоотлар ишга туширилди. Деярли беш миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди — илгари республикада бундай юксак даражага эришилмаган эди. Ўтган йили мактабларда ўринлар сони 48 мингта кўпайди, қўшимча равишда 1600 дан ортиқ беморни қабул қилишга қодир бўлган янги шифохоналар қурилди, поликлиникалар тармоғи анча кенгайди.

Янги қурилишлар ҳисобига республиканинг иқтисодий салоҳияти ошиб бормоқда: шу йил март ойида Асакада қурилаётган «ЎзДЭУавто» автозаводида «Дамас» автомашиналари ишлаб чиқарила бошланди. Шу ёзнинг ўрталарида бу улкан автомобилсозлик корхонасида «Нексия» ва «Тико» автомашиналари ишлаб чиқарила бошлайди. Бухоро нефтни қайта ишлаш ва Қўнғирот сода заводлари тез суръатлар билан қурилмоқда.

Республика пойтахтида, вилоят марказларида кўчаларни қайта қуриш ва обод қилиш, энг муҳим иншоотларни, спорт-соғломлаштириш марказларини қуриш ишларига кўп куч сарфланмоқда.

Бироқ сарфланган маблағ самарадорлигини оширишга, қурилиш ишлари ва бинокорлик материалларининг таннархини арзонлаштиришга янада кўпроқ эътибор берилганда эди, ютуқлар бундан ҳам салмоқлироқ бўлур эди, деб таъкидланди кенгашда.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, буюртмачилар ва пудратчи ташкилотлар томонидан харажатларни аниқлаш чоғида қурилиш таннархини сунъий равишда ошириб юборишга йўл қўйилмоқда. Айни пайтда қурилишни пул билан таъминлаётган банклар экспертиза хулосалари бўлмаса ҳам ишларни бажаришга кредит бериб, давлатга катта зарар етказмоқда. Аниқланишича, экспертлар хулосасисиз юзлаб савдо, овқатланиш, маиший хизмат, транспорт иншоотлари, саноат корхоналари қурилмоқда.

Кенгашда буюртмачиларга ҳамда республика қурилиш мажмуи ташкилотларининг раҳбарларига тармоқда тегишли тартиб ўрнатишга қаратилган тавсиялар ва топшириқлар берилди.

Кенгашда республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов иштирок этди.

ЎзИНФО: ишончли, қизиқ, ҳаяжонли оламшумул янгиликлар

НОРОЗИЛИК БИЛДИРИШДИ

Якшанба куни кечқурун 200 га яқин киши Демократик Сенат ёнида Президент Клинтонга қарши норозилик намойишини уюштирди. Полиция уларнинг йўлини тўсиб, бинога яқинлаштирмади. Ғарб компанияларининг уч кунлик тебраниши Сан-Франциско штатида катта намойиш пайдо бўлиш эҳтимолини юзага келтирди.

УЙ-ЖОЙ МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШГА ЧАҚИРИШДИ

Ривожланаётган мамлакатлар халқаро ҳамжамиятга уй-жой муаммосини ҳал қилишни сураб мурожаат қилишди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уй-жой муаммолари бўйича конференциясида сўзга чиққанлар камбағал ва уйсизларга уй-жой сотиб олиш учун моддий ёрдам кўрсатиш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Фаластин ҳукумати вакили Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Ғазо секторида ушбу муаммо жуда кескин турганлигини қайд этиб, махсус даъват билан жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилди.

ЎЗ КУЧИНИ ЧАМАЛАБ КЎРДИ

Австралиялик сузувчи Сусий Мерани Кубадан Америка Қўшма Штатларигача сузиб бормоқчи эканини маълум қилди. Орада 12 миль масофа чўзилиб етибди. Сузиш марафони халқаро Ассоциацияси текшириб чиқиб, бу масофани 88,5 миль деб белгилади. Халқаро талабларга кўра марафон иштирокчиси бу масофани ҳеч қандай ёрдам ва ёрдамчисиз сузиб ўтиши керак.

ПАРТИЗАНЛАР ЮРИШИ

Партизанлар ҳужуми натижасида Ливаннинг жанубида 5 исроил аскари ўлдирилди ва 6 аскар ярадор бўлди. Бунга қарши Исроил қўшинлари Ливан партизанлари яшириниган жанубий ўрмон ва тоғларни қаттиқ ўққа тутдилар. Ғарбий қирғоқлардаги қишлоқ ҳудудларидан бирида икки европалик ҳам ҳалок бўлди. Тўсатдан қилинаётган партизанлар ҳужумидан Исроил хавфсизлик хизмати ташвишга тушиб қолди.

АЛЯСКАДА ЁНҒИН

Аляска ёнғиндан ҳимоя қилиш вакиллари Қўшма Штатларнинг бошқа жойларида жуда катта куч билан содир бўлган ёнғинни ўчиришга ёрдам кутишмоқда. Ушбу ёнғин натижасида ҳозирдаёқ жуда катта майдондаги ўрмон ва 150 уй ёниб битди. Бошқа штатлардан ёрдам келган тақдирда ҳам, шамолнинг йўналиши ўзгариб, ёмғир ёғмагунча оловни ўчириш ниҳоятда қийин дейишмоқда Аляска расмий вакиллари.



Хива навқирон шаҳар

СИРОЖИДДИН ГЕРМАНИЯДА ИШЛАЙДИ

Ўзбекистонлик ёш физик Сирожиддин Мирзаев Германиядаги энг машҳур олий ўқув юртларидан бири — Геттинген дорилфунуни ходими бўлиб ишлай бошлади.

Республика Фанлар академияси иссиқлик физикаси бўлимининг кичик илмий ходими Сирожиддин бундан ярим йил муқаддам хорижий касбдошларидан биргаликда ишлаш тўғрисида таклифнома олган эди. Мирзаевнинг илмий тадқиқотларининг натижалари Геттинген дорилфунуни ва ўша ердаги Макс планк номидаги институт олимларини қизиқтирди. Халқаро мукофот — Академик айирбош қилишлари бўйича немис жамиятининг шу жамият Президенти Доктор Теодор Берхем топширган диплом Сирожиддинга 14 ой давомида тажриба орттириш учун Германияга боришга йўл очди. Шу муддат ичида у Европанинг энг яхши университетларида илмий тадқиқотларини давом эттириш учун жамиятдан стипендия олади. Бундан ташқари у Германияда ўтказиладиган ҳар қандай илмий анжуманда иштирок этиш ҳуқуқига эг.

Ўзбекистонлик олимларнинг ютуқлари ҳозир бутун дунёда эътироф этилмоқда. Бунинг учун барпо этилган мустаҳкам база Республика аҳлий салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Республикамизда ўнлаб йўналишлар бўйича миллий илмий мактаблар вужудга келди. Иссиқлик физикаси ана шундай йўналишлардан биридир. Сирожиддин Мирзаев кўп жиҳатдан илмий раҳбарларининг мадади туфайли ўз истеъдодини рўёбга чиқара олди.

Термизда мактабни олтин медал билан битирган йигитча ҳамиша билимга ташна эди. Жиддий ишга қизиқиш, ўз ижодий қобилиятини ривожлантириш истаги унга оилада сингдирилган эди. Унинг отаси ҳам, онаси ҳам фан билан шуғулланади. Сирожиддин Термиз Педагогика институтининг физика-математика факультетини «Қизил» диплом билан битирди. Ўқиш чоғида қаторасига уч йил давомида физика бўйича республика талабалар олимпиадаси ғолиби бўлди. Истеъдодли йигитнинг қобилияти сезилмай қолмади. Мирзаев Ўзбекистон Фанлар академиясининг иссиқлик физикаси бўлими қошидаги аспирантурада иссиқлик физикаси соҳасидаги илмий обруси бутун жаҳонда эътироф этилган академик Пулат Хабибуллаев раҳбарлигида шуғулланиб, илм-фаннинг катта йўлига кирди.

Аспирант суюқликдаги танг ҳодисаларни тадқиқ этишни номзодлик диссертацияси мавзуси сифатида танлаб олди. Унинг ишлари натижалари катта амалий аҳамиятга эга, буни хорижий олимлар ҳам юқори баҳолашди. Ёш олим тадқиқотларининг натижалари энергетика муаммоларини ҳал қилишда, масалан, энергиянинг янги, қайтадан тикланадиган манбаларидан фойдаланиш соҳасида қўлланилиши мумкин. Мирзаев томонидан яратилган спирт ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари асосида ишлайдиган қурилмалар халқ хўжалигининг турли тармоқларида қўлланилиши мумкин — улар серунум бўлиб, энг муҳими экология жиҳатидан хавфсиздир.

Инсоният табиат ресурсларининг битмас-туганмаслигини англаб етган ҳозирги даврда энергиянинг янги манбаларини қидириш илм-фаннинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда. Шу сабабли ватанимиз илмий мактаби ишланмалари, Ўзбекистон олимларининг бу муаммога доир асарлари бутун дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда. Муаммони турли мамлакатлар мутахассислари ҳамкорлик қилган шароитдагина энг мақбул равишда ҳал этиш мумкин бўлади. Геттинген университетида ўзбекистонлик Сирожиддин Мирзаев немис касбдошлари билан биргаликда ўзи танлаган соҳадаги тадқиқотларни давом эттиради, бу тадқиқотлар унинг докторлик диссертациясига асос бўлади. Ёш олим докторлик диссертациясини Геттингенда ёқламоқчи бўлянти.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

«Гуллаётган диёр» танловига

ЎЗБЕКИСТОН — ҲАЙРАТЛАР МУЛКИ

БОЛАЛИГИМДА эртакка жуда ўч эдим. Ўқилаверганидан муқоваси титилиб кетган мўъжазгина китоб сира қўлимдан тушмасди. Эртаклар мени ҳар куни ҳайратлар мамлакатига бошларди. У ерда мен учар гиламларда парвоз қилиб, қирқ кечаю қирқ кундузда бунёд этилган муҳташам қасрларнинг маҳобатини кўриб, завқланардим. Рустами достоннинг бемисл жасоратлари, Алпомишнинг ақл бовар қилмас қаҳрамонлиги, Фарҳоднинг чин муҳаббатию меҳнатсеварлиги, барча-барчаси кўнгилга ажиб бир шавқ бағишлар эди.

Беғубор болаликнинг беташвиш кунлари шундай сурурли эди. Сурурли кунлар, сурурли йиллар оққушлардек учиб кетдилар. Кўнгилда бир соғинч қолди. Энди у ҳайратлар қайта бўй кўрсатмайди деб ўйлардим. Йўқ, ҳайратлар ўлмас экан. Уни эртасидан умидвор, ишқи, ҳаяжони тирик инсонлар қалб кўзи билан кўрарканлар. Мен бу ҳақиқатни Қоровулбозорда бўлганимда англадим.

ҚАДИМ БУХОРО шаҳридан шимолий-ғарб томонга қараб 50-55 чақирим йўл босган одам, агар у бундан атиги уч йилгина муқаддам бу жой «Инсон юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган» яйдоқ чўл бўлганини кўрган бўлса, дафъатан довдираб, тили калимага келмай қолиши турган гап. Чунки улкан қурилиш майдонига айланган бу янги шаҳарчани илк бор кўрганимда: «Ёпирай, тушимми, ўнгим. Наҳотки эртаклар ҳақиқатга айланса?».. деган фикр менинг-да хаёлимдан ўтганди.

Худойим суйган бандаларини ҳамиша сийларкан. Узоқ йиллик мустамлака азобларини бошдан кечирган халқимизга толе яна кулиб боқди. Ватанимиз яна тенглар ичра тенг мамлакат сифатида дунёга бўйламоқда. Жаҳонда ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан ўз ўрнимизни топишимиз учун аждодларимиз қолдириб кетган бой ўтмиш меросимиздан ҳамда табиат ато этган неъматлардан оқилона фойдалана билмоғимиз жуда муҳим, албатта. Шукрки, ҳукуматимиз раҳбарлари истиқлолнинг дастлабки йилларида юрт тақдири хусусида сафсатабозлик эмас, муайян ишлар, улкан қурилишлар зарур эканлигини юракдан ҳис қилдилар.

Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводи қурилишида Республикамиздаги ўнлаб йирик трестлар, бирлашмалар иштирок этмоқда. Бу ерда бухороликлар билан бир қаторда Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Навоий, Тошкент, Хоразм, Сурхондарё вилоятларидан келган бунёдкорларни учратиш мумкин. Уларнинг барчаси мамлакатимиз халқларининг бирлиги, ҳамкорлиги, қолаверса, қудрат-иродасини кўз-кўз қилади.

Қурилаётган завод дирекцияси директори Ю. Кочневнинг таъкидлашича, катта майдонни эгаллайдиган янги завод ҳудудида ишлар ҳал қилувчи босқичга кирган. Қуйимозор сув омборидан Кўкдумалоқ нефть конларигача чўзилган улкан масофада корхонага даҳлдор юздан зиёд объект қурилиб, фойдаланишга топширилиши керак.

Қурилишда Франциянинг «Текнип», Туркиянинг «Гамма» фирмалари ҳам иш олиб бораяпти. Француз технологияси ускуна-механизмлари монтаж қилинадиган майдончада мажоз билан айтадиган бўлсак, меҳнат қайнамоқда. Бу ерда 15 та котлован қазилиб, бетон пойдеворлар қурилди. Қазилган тупроқни олиб чиқиш, ҳамда пойдевор учун қум-шағал аралаш қоришма келтириш ишига қардош Қирғизистондан ҳам кўплаб юкнинг ўзи ағдарувчи машиналар ҳайдовчилари иштирок этдилар. «Гамма» фирмаси мутахассислари технологик жиҳозларни монтаж қилишни аллақачон бошлаб юборганлар. Улар бу мураккаб ишни шу йилнинг охиригача тугаллашни ўз зиммаларига олганлар. Заводга қарашли темир йўл шахобчалари орқали бу ерга ҳар куни қатор-қатор вагонларда технологик жиҳозлар келиб турибди. Жиҳозларни тушириш, тартиб билан қўйиш ва пешма-пеш монтаж майдончаларига етказиб бериш узлуксиз усулда ташкил этилган.

Оққан дарё оқаверади. Хаёл ўйларимни олти аср нарига, олис ўтмиш қаърига етаклайди. Ўшанда ҳам икки дарё оралиғидаги бу улкан мамлакатда муаззам қурилишлар авжига чиққан эди. Соҳибқирон бобомиз дунёни қуриш, яратиш билан маҳлиё айлаган эдилар. Ўшанда ҳам Эрон, Ироқ, Ҳиндистон каби турли мамлакатлардан келган моҳир усталар, меъмор ва наққошлар қурувчи ажодларимиз билан елкама-елка меҳнат қилган. Анъаналар яшовчандир. Зеро, ўша осмонлар остида ҳануз катта бир эл яшаяпти, элнинг болалари яшаяпти.

— Биз мактаб партасида ўтирган кезларимиздаёқ Самарқанд, Бухоро, Хева, Шаҳрисабз каби меъморлик обидаларига бой, афсонавий шаҳарларингиз таърифини эшитганмиз. Туркияда бу шаҳарларни бир кўришга орзуманд бўлиб юрганлар қанча, — дейди «Гамма» фирмасининг Ўзбекистондаги қурувчи — монтажчилари бошлиғи Жўшқин Манчухан. — Ўзбекистон бизда яхши таассурот қолдирди. Одамларнинг меҳмондўстлиги, самимийлиги жуда ёқди. Ўтган йилнинг ноябридан буён 700 нафар ишчиларимиз билан Қоровулбозордаги оламшумул завод қурилишида қатнашаяпмиз. Биз бундан фахрланамиз. Худо хоҳласа, 1997 йилнинг июнигача зиммамиздаги вазифаларни адо этамиз.

Мустақиллигимизнинг 5 йиллиги нишонланадиган йилда янги завод қурилишининг салкам 95 фоизини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Келаси йилдан бошлаб завод қатта хажмда маҳсулот бера олиш имконига эга бўлади. Франциянинг «Текнип» фирмаси вакили Мишель Жукофф эътироф этишича, заводнинг жаҳон андозаларига мос бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Завод энг сўнгги телекомпьютерлар билан ишлашга мослаштирилади ва жуда сифатли ёнилғи, жумладан, 76 ва 93 маркадаги бензин ишлаб чиқаришни кафолатлайди.

Бошдан-адоқ ишончга йўғрилган бу гапларни тинглаб, амалга оширилаётган ҳайратомуз ишларни кўриб яна ўз-ўзимга савол бераман: «Бу эшитган, кўрганларим эртак эмасми? Мана бу меҳнатда тобланган забардаст йигитлар Рустамми, Фарҳод?»

— Шуҳрат Остоновман, — деб ўзини таништирди қорачадан келган, ўрта бўйлик йигит худди хаёлимдан кечган фикрларни уққандек кулиб. — Асли шофирконликман. 1993 йилдан буён завод қурилишида ишлаяпман. Уйланганман. Битта қизим бор. Ҳозирча ётоқхонада яшаяпмиз. Келажакда ҳам шу ерда қолиб, заводда ишлаш ниятим йўқ эмас. Тўра Жўраев, Дилмурод Норов, Рўзимурод Темиров сингари ҳамшаҳарларим ҳам қурилиш тугагач, заводда қоламиз деб аҳд қилганлар.

— Қурилишда асосан оловқалб ёшларимиз меҳнат қилишаяпти, — деб суҳбатга қўшилади қурилиш дирекцияси директори муовини Бахтиёр Олимов. — Узоғи билан яна олти ойдан сўнг заводнинг биринчи навбати маҳсулот бера бошлайди. Табиийки, корхона минглаб йигит-қизларимизни иш билан банд қилади. Лекин нефть ва газни қайта ишлаш соҳасидаги мутахассис, телекомпьютерлар билан тиллашадиган кадрлар масаласи шу куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб турибди. Лекин бу муаммони ҳал этиш чораларини кўриб қўйганмиз. Бўлажак ходимларимиз нафақат Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида, балки Россия ва Францияда малака ошириб қайтишади. Шунингдек, Бухоро енгил саноат ва озиқ-овқат технологияси институтида ҳам нефть-кимёга ихтисослашган факультет очилади.

Бу йилги баҳор фаслида Қоровулбозор ҳудудида 20 минг дарахт кўчати — 20 минг умид экилди. Халқ бор жойда боғ бўлади, деган нақл бекорга айтилмаган экан. Қоровулбозор шаҳри қисқа вақт ичида нефть-кимёчилар шаҳарчаси ҳисобига шиддат билан ёшариб, кенгайиб бормоқда. Нефтчилар учун 700 та шинам дала ҳовлилар қурилмоқда. Янги шаҳарча 7800 нафар аҳолига мўлжалланган. Дала ҳовлилар билан бир қаторда маиший хизмат шаҳобчалари, мактаб, боғча, дўконлар, поликлиника, маҳалла қўмиталари уйлари тикланмоқда. Яқин орада чойхона, дорихона, кафе, клуб, алоқа тармоғи ва бошқа зарур иншоотлар қурилиши режалаштирилган. «Винклер» фирмаси лойиҳаси асосида қурилган кичик новвойхона эса аллақачон ўз маҳсулотларини сотишни йўлга қўйган.

Халқимизнинг ноёб ҳислатларидан бири қаноат бўлса, иккинчиси, меҳнатсеварликдир. Орадан йиллар ўтади. Дунёнинг бугунги энг маъмур ва фаровон мамлакатларидан бири Қувайт ҳам Ўзбекистонимизга ҳавас қилса ажаб эмас. Мунаввар келажак яратиш учун бизда барча шарт-шароитлар, имкониятлар етарли. Сахий замин, табиий бойликлар, серқуёш осмон, энг муҳими эркимиз ўз қўлимизда.

БОЛАЛИГИМДА эртакка жуда ўч эдим. Эртаклар мени ҳар куни Ҳайратлар мамлакатига бошларди... Не бахтки, бугун киндик қоним томган озод Ватан — Ўзбекистон бағрида Ҳайратлар униб, шу эл фарзандларининг дил осмонларида нурли истиқболдан дарак бериб юлдузлар чақнамоқда.

Сирожиддин РАУФ,
«Туркистон» мухбири.

МУЛОҲАЗА

САРБАДОРЛАР ВА АМИР ТЕМУР

Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» романи аниқ тарихий далиллар ва манбалар заминида яратилган. Сарбадорлар номи билан боғлиқ воқеалар тарихда ниҳоятда кам ўрганилган энг сирли ижтимоий-умумбашарий мазмундаги ҳаракатлардан саналади. Муаллифга сарбадорлар ҳаракатини тушунишда ва тасвирлашда улуғ бобомиз Абу Наср Муҳаммад ал — Фаробийнинг «Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари» рисоласи мадад берди ва романнинг умумий йўналишини белгилашда ёрдам қилди. Бу тарихий — фалсафий манба, асарнинг пойдеворига ётқизилган тамал тошларидан бири.

Тарихий мавзуда ёзиш анча мушкул. Авваламбор, тарих ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиришнинг ўзи жуда қийин ижодий жараён. Бундан ташқари, далиллар, воқеалар, ҳодисалар, тарихий шахс ва арбобларнинг сиймолари, қандай бадиий ишлов берилмасин бузилмаслиги даркор. Бу бадиийликнинг моҳияти тарихий жанрнинг қонун — қоидасидир.

Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар»ида муайян тарихий давр акс этган, турли мамлакатлар, давлат ва жамиятдаги зиддиятлар, худуд ва ҳукмдорларнинг низолари, халқнинг ҳол-аҳволи ишонарли тасвирланган. Араблар ва форслар, турклар, мўғуллар, подшолар ва гадолар, бой ва камбағаллар, ҳукмдор ва халқ, сарбадорлар, уларнинг тафаккури ва фалсафаси, диний қарашлари, турли динларга бўлган муносабатлари — буларнинг бари асарда ўз аксини топган.

Романда сарбадорлар пойтахти Сабзавор, ёш Амир Темурнинг она шаҳри Шаҳрисабз ва Насаф (Қарши), Мовароуннаҳр ҳукмдори амир Ҳусайннинг қўл остидаги амирлар, давлат ва ҳудудлар тасвирга олинган. Сарбадорлар ҳаракати асосчилари, уларнинг тафаккури ва ҳаёт тарзи батафсил баён этилади. Абу Бакр Калавий, Ҳурдак Бухорий, Мавлонозода, Уста Кулол, Нозим Меҳмет, Лакшманларнинг феъли, ҳулқатвори, шаҳсияти, сиймоси аниқ ва равшан бутун мураккаблиги ва даврга хос хусусиятлари билан чизилган. Шу билан бирга, сарбадорлар сиймосини идеаллаштиришга қандайдир мойиллик борлиги ҳам сезилади.

Романда бир сиймо борки, у ўзининг жонлилиги, оқиллиги, мураккаблиги билан бошқалардан ажралиб туради. Бунинг жўяли сабаблари ҳам бор, чунки бу образнинг замирида хаётнинг айни ўзи, даврнинг улкан ва мураккаб, ҳақиқий тарихи ётади. Сарбадорларнинг сиймолари анча жонли ва ишонарли чиққан. Аммо уларнинг тимсолларини кўпроқ ғоялар, таълимотлар белгилайди. Синфлар бор экан, синфий манфаатлар, зиддиятлар, тўқнашувлар ҳам булади. Романда тасвир этилган ҳаёт беихтиёр синфийлик нуқтаи назаридан идрок этилади ва баҳоланади. Юқори табақага мансуб булган Садр Сулаймон, Қавомиддин қози, Шайхулислом Абдулворис Самарқандий сингари бадиий қаҳрамонлар тасвирида синфийлик мезонининг таъсири ва улчови сезилиб туради.

Асарда ҳаётда ва тарихда ўзининг илк қадамларини қўяётган ёш Амир Темур сиймоси гавдалантирилади. Амир Темур сиймосининг хаётийлиги шундаки, у доимо мураккаб ва фожиали шароитда тасвир этилиб, ўз ақли, кучи билан бу кескин ҳолатларда одил, ягона нажот йўлларини топа билади.

Ҳижрий 762 йилда «Чиғатой мамлакати меросхўри» Туғлуқ Темурхон — Мовароуннаҳрга«от суради». Амир Темурнинг амакиси Ҳожи барлос ёрдамга босиб келаётганини эшитиб қочиш тараддудига тушади. Темур ёш бўлсада, ўй-режалари бошқачароқ: у Ватан, она тупроғини ҳимоя қилиш ва душман билан очиқчасига курашиш кераклигини амакисига очиқ гапиради. Бу суҳбатда ёш Темурнинг шижоати ва мулоҳазакорлиги ёрқин акс этади.

Мовароуннаҳрга бостириб кирган Туғлуқ Темурхон хузурига келган йигирма беш ёшли — «ўткир кўзли» йигит унга ёқиб қолади. Амир Темурнинг қиёфасидан ёғилиб турган шижоат, жасурлик ва ўктамлик салоҳият одамларда унга нисбатан ишонч ва мамнуниятлик туйғусини уйғотади. «Сарбадорлар» романида Амир Темурнинг чизилган суврати ва сийрати таъсирли булиб, эгасининг ички руҳий дунёси ҳамда жисмоний имконлари ҳақида яхшигина тасаввур беради:

«... Темур баланд бўйли, чорпахил, калласи катта, овози кучли йигит эди. Унинг катта шижоат эгаси эканлиги, жасуру қўрқмаслиги шундоқ-қина кўриниб турарди...» Романнинг яна бир жойида «Темурбек фаросатли, сиёсий воқеалар оқимини тез идрок эта оладиган, шаддод фикрли бир йигит эди. Хожи барлос жиянининг қайсару ўжар, ўктам, бир сўзлик эканлигини яхши биларди...» дейилади. Амир Темур образи «Сарбадорлар» романининг бир неча қийин тарихий зиддиятлар заминида талқин этилсада, муаллиф ҳар сафар Амир Темур сиймосининг энг фозил қирраларини очишга муваффақ булади.

«Сарбадорлар» инсоният тарихига Амир Темур Кўрагоний номи билан кирган буюк шахс, давлат арбобини ҳаётдаги, тарихий сахнадаги, жамиятдаги илк қадамларини маҳорат билан ишонарли кўрсата олган.

Романда эртак, афсона, ривоят ва нақл билан суғорилган фикрлардан фойдаланишнинг боиси тарихий шахс сиймосини халқчиллаштиришдир.

Фикр аниқ булса, тасвир ҳам аниқ булади. Роман шоир қаламига мансублиги боис, бу бадиий лавҳаларда, лирик чекинишларда ҳам уз ифодасини топади. Романнинг тили ниҳоятда ширали, услуби гўзалдир.

Э. КАРИМОВ,
профессор, Беруний мукофоти совриндори.

ТЕННИС

ГЎЗАЛЛИК ВА ДЎСТЛИК ТУРНИРИ

Тошкентдаги «Динамо» теннис клубининг кортларида «Челленжер» тоифасидаги теннис бўйича хотин-қизларнинг биринчи халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлди. Бу мусобақада 21 мамлакатдан келган теннисчи аёллар иштирок этади.

Ташкилот қўмитасининг раиси, Тошкент шаҳрининг ҳокими Козим ТУЛАГАНОВ турнирни очар экан, Узбекистон Президенти Ислом КАРИМОВ республикада теннисни, жумладан аёллар ўртасида теннисни ривожлантириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилаётгани туфайли дунёнинг ҳар томонидан гўзал спортчи қизларни чорлаган ушбу турнирни ўтказиш мумкин бўлганини таъкиллади. Пойтахт ҳокими республика теннисни ривожлантириш ва уни тарғиб қилишда эришган ютуқлар ҳақида, ҳозирги пайтда каттаю кичик — минглаб узбекистонликлар спортнинг шу тури билан шуғулланаётгани тўғрисида сўзлаб берди ва турнир иштирокчиларига катта муваффақият ва унутилмас таассуротлар тилади.

Пойтахтимизга келган швейцариялик тадбиркор — шу мусобақанинг ҳомийларидани бири Сассон Какшури мусобақанинг юксак даражада ташкил этилгани мамлакатимизда теннисга муносабатнинг жуда жиддийлигини кўрсатишини айтди.

... Узбекистон мадҳияси янграйди, спорт мажмуида республика давлат байроғи кўтарилади. Халқаро мусобақа тантанали вазиятда очиқ деб эълон қилинади.

Турнирни очиш маросимида Узбекистон теннис федерациясининг президенти, соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов, республика давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Баҳодир Махситов иштирок этди.

(ЎзА).



ТАРИХ СЎЗЛАЙДИ

Зомин қадим тарихга эга улка. Баъзи тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, унинг ёши икки минг йиллан ошади. Буюк Қомусий олим, бобокалонимиз Абу Райхон Беруний ғазнавийлар сулоласининг давомчиси Султон Масъудга бағишлаб ёзган «Қонуни Масъудий» асарида юнон олими Батлимуснинг (Птоломей) «География» номли асаридан ҳам парчалар келтирган бўлиб, унда қадимий шаҳар ва вилоятларнинг, жумладан, Бухоро, Самарқанд, Бишкент, Шош, Фароб, Фарғона кабил шаҳарларнинг жуғрофий координатлари берилган. Ана шу парчаларда Зоминнинг номи ҳам тилга олиб ўтилган. Агар Клавдий Птоломейнинг эрамизнинг иккинчи асрида Искандарияда яшаб ўтганлигини назарга оладиган бўлсак, Зомин улкасининг «Зомин» атамаси билан бундан 1800 йил илгари ҳам маълум бўлганлигига амин бўламиз.

Бугунги кунда Зоминга туташ туманларда, Зоминнинг ён атрофидаги дашт ва тоғлар бағрида улканинг қадим ва бой тарихидан гувоҳлик берувчи кўплиб қалъа ва қўрғонлар қолдиқлари учрайди. Улар сирасига миқ Қўрғони, Оқтепа, Қултепа, Пишағар каби улкан шаҳар харобаларини санаб ўтиш мумкин.

Келажакнинг пойдевори бўлмиш тарихни авлодларга етказиш ҳар бир кишининг инсонийлик бурчидир. Зоминда ана шу муқаддас бурчни ҳис қила оладиган инсонлар кўплаб топилади. Улар сирасига ўз юртининг фидойилари бўлмиш Урол Абдуалимов ва Абдуқундуз Мухаймиевларни киритиш мумкин.

Айнан шу инсонларнинг саъй-ҳаракатлари, катта амалий ёрдамлари билан Зомин тумани марказида 1993 йилда тарихий улкашунослик музейи ташкил этилди. Иш бошланганда бу ерда деярли битта ҳам диққатга сазовор экспонат йўқ эди. Ўтган икки йил давомида эса музей ходимларининг жонбозлиги ва фидойилиги туфайли Зомин атрофида амалга оширилган қазилмалар натижасида топилган ва туман қишлоқлари аҳолисидан олинган 3,5 мингдан зиёд экспонатлар йиғилди. Шулардан кўпчилиги ўзининг ноёблиги билан катта тарихий қимматлилик касб этади.

Бугунги кунда музей залларидан 800 дан зиёд экспонат жой олган. Улар ўз улкасининг тарихи билан қизиқадиган ҳар бир инсонга ўтмишимизни акс эттирадиган ойна булиб хизмат қилмоқда.

СУРАТДА: музей раҳбари Саттор ҚОРАБОЕВ. Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Адолат қиличи кескир

ЎЗГАЛАР ҲАҚИ

Муродқулни анойилардан деб бўлмайди: кўп ҳолларда дўконда ўзи эмас, балки оғайниси ишлайди. Нега? Эҳтимол, вақти камдир? Гап бошқа тарафда, мабодо ҳаридор ҳақидан беш-ўн сўм уриб қолса, ҳеч нарсадан хабарим йўқ, дейишга осон! Текширувчилар шаҳарда юрган эмиш, деган узунқулоқ гаплар тарқалганидаям ҳудди шундай қилди. Шаҳардаги 78-дуконда унинг ўрнида укаси Тўрақул Қурбонов ишлаётган эди. Тўрақул эса ҳеч нарсадан тап тортмайдиганлар хилидан экан. Харидор олган молларни уялмай-нетмай ўз нархидан 20 сўм 80 тийин қимматига сотиб юборди. Ҳамиша харидорлар ҳақидан юлиб қолмаса уйқуси қочаверадиган Тўрақул айбимни ҳеч ким билмайди, деб хомхаёлларга берилган эди. Аммо... Иши судда кўрилгач, қилмишига минг марта пушаймон бўлди.

Унинг Денов ҳиссадорлик жамиятида ишлайдиган яна бир ҳамкасби ҳам қўли эгриликда устаси фаранг экан. 32-дукон сотувчиси Хидирназар Эшмуродовнинг қилмиши бунга бир мисол. У харидордан 8 сўм 80 тийин ошиқча олиб қолиб, «чап» чўнтагига солиб қўйди. Бунинг «фойда»си ёмон бўлмади: Хидирназар атиги 400 сўм жарима билан сийланди.

Шаҳардаги бошқа ташкилотларда ҳам ўз нафсини ўйлайдиганлар кам эмаслиги аён бўлди. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳиссадорлик жамиятига қарашли нон тайёрлаш цехида тайёрланган маҳсулотлар қандай сотилаётганлиги текшириб чиқилди. Шу цех ишчиси Илҳомбек Худойқулов 5 сўм 50 тийинлик буханка нонинг ҳар бир донасини 9 сўмдан пуллаётганида сири ошкор бўлиб қолди. У харидор Эшбўри Абдуллаевнинг 21 сўм пулини ортиқча олиб қолишдан уялмаган.

Шаҳардаги Неъматулла Қўчқоров раислик қилаётган «Баҳодир» ҳиссадорлик жамиятидаги айрим шахслар ўз фойдасига янгилишишни одат қилиб олганлар. Баъзи мисоллар келтира қолайлик. Бу ҳиссадорлик жамиятининг 40-булимида воситачи савдо ходими булиб ишлаган Менгтура Ҳужаев ҳеч қандай текширувчидан қўрқмайди. Шу боисдан булимда 1270 сумлик кирим қилинмаган молни сақлашдан ҳам тап тортмаган. Унинг ҳамкасби Фахриддин Омонов эса 2018 сумлик мол дукон ҳисобига кирим қилинмаган булса-да, сотиш учун сақлаб қўйилганлиги аён булди. Шу ҳиссадорлик жамиятидаги сотувчи Розия Келдиева булса 129 сум камомадга йул қўйди.

Юқорида таъкидланган кишилар жазодан қутулиб қололмадилар. Масалан, Менгтура Ҳужаев 1050 сум, Фахриддин Омонов 750 сум, Розия Келдиева эса 400 сум жарима тўлашга мажбур булди. Бундай қоидабузар жаримачилар бошқа ташкилот ҳамда корхоналарда ҳам оз эмаслиги равшан булди.

Туманлараро техника таъминоти корхонасида шундай эгри қадам босадиганлар борлиги аниқланди. Масалан, ташкилотда қарзлар кўпайиб кетса-да на бошлиқ, на бош ҳисобчи ташвиш чеккан. Аксинча бегам юраверишган. Натижада корхонанинг 1995 йил ярим йил мобайнида кредитлик қарзи 201 минг сумни ташкил этди. Дебиторлик қарзи эса 74,3 минг сумга етди. Шу сабабли солиқ инспекцияси ўтказган текширишдан кейин корхона бошлиги Акбар Бойқулов 750 сум жарима тўлашдан бошқа илож топа олмади.

Шундай жазоланганлар сафига бошқаларни ҳам қўшиш мумкин. Денов савдо ишлаб чиқариш корхонасида даромадни яшириб қолгани учун бошлиқ Раҳматулла Умаров жаримадан бенасиб бўлмади. Корхона бош ҳисобчиси Анвар Розиқов эса бундай жазодан қўрқмайдиган кишилардан бири экан. У даромадни яширишгина қолмасдан ғазна ҳаракати тартиб-қоидаларини қўпол равишда бузди. Корхона раҳбарлари, жумладан бош ҳисобчининг айби билан ғазнага тушган пуллдан йигирма беш минг етти юз саксон етти сўм ташкилотнинг ички эҳтиёжлари учун сарфлаб юборилди. Юқоридагидек нуқсонлар сабабли бош ҳисобчи Анвар Розиқов икки марта жарима тўлади — бир минг беш юз сўм пулни ҳеч иккиланмай санаб берди.

Шаҳарда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузаётган ўнлаб шахслар борлиги аниқланди. Бундай кишилар ҳозиргача турли жазолар билан «мукофот»ландилар.

Хусусан, Салима Ҳужамуродова, Тошпулат Мирзаев, Бозорбой Каймбоевлар Узбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик кодексининг 164-моддаси 2-қисмига кўра жавобгарликка тортилдилар.

Айрим ташкилотларнинг бошлиқлари ва ҳисобчилари қонунга зид ишларни ҳам бажаришдан тоймайдилар. Мисол учун, Хайробод савдо ишлаб чиқариш тайёрлов корхонасининг раҳбарлари солиқ тўлашда хатоликларга йўл қўйганликлари маълум бўлди. Улар — ташкилот бошлиғи Нурилла Ниёзов ҳамда бош ҳисобчиси Ғофур Худойбердиевлар ҳисоботларда ялпи даромад миқдори саксон саккиз минг бир юз сўм ўрнига қирқ етти минг беш юз сўм миқдорида белгиланган. Демак, даромаддан ўттиз беш минг олти юз суми яшириб қолинганлиги сир эмас. Уларнинг ҳар бирига етти юз эллик сўмдан жарима солинди.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи етмиш саккиз нафар фуқаронинг ҳаракатида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари бор деб топилди ва уларга жами булиб 27 минг 680 сум жарима солинди.

Денов шаҳрида қонунни бузган шахслар тезда аниқланиб, айбдорларга нисбатан қатъий чоралар кўриляпти. Хуллас шаҳарда жаримачи раҳбарлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларида эгри йулга кирган кишиларга нисбатан ҳам муроса қилинмаётир.

Абдуҳаким МАМАНАЗАРОВ,
Денов шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғи.
Жовли ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» мухбири

ҚОНУН ҲИМОЯСИДА ЖУРНАЛИ — МЕҲМОНИМИЗ

«Қонун ҳимоясида» журналининг бош муҳаррири Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ билан мусоҳаба

***

— Суҳбатимизни сарлавҳадан бошласак... Қонун устиворлигига эришиш, фуқаролар жамиятини барпо этиш ҳақида энди гапирилмоқда. Сиз эса илгарилаб кетиб, фуқаролар жамиятининг фуқаролигига даъво қилаяпсиз?

— Бу даъво эмас, балки мақсад, ният, орзу. Бизнинг бутун ҳаракатларимиз шунга йўсундирилмоқда. Кўнглимиз, кўксимиз тўлиб, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» демоқдамиз. Бу ҳам улуғ мақсад. Холис ният билан мақсадни улуғ қилиб йўлга чиққан одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Қонун устиворлиги ҳақида «энди гапирилаётганига» келсак, шу «энди»га ҳам уч йилдан ошди. Ёдингизда бўлса, Президентимиз томонидан илгари сурилган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг беш асосий тамойилларидан бири қонун устиворлигини таъминлаш эди. Фуқаролар жамиятини барпо этиш ҳақидаги гап ана шу тамойилнинг узвий давоми. Бевосита бизларнинг «фуқаролар жамиятининг фуқаролари» бўлиб олганимизга келсак, ҳозироқ бу жамиятнинг куртаклари кўзга ташланмоқда. Бош қонунимиз — Ўзбекистон Конституцияси ва шу асосида қабул қилинган қонунларнинг асосий мақсади ҳам шунга йўналтирилган.

Илгари кишилар милиция, суд, прокуратура ходимларини қўрққанидан, чўчиганидан ҳурмат қилган бўлса, энди уларнинг ҳуқуқий манфаатини ҳимоя қилаётгани учун ҳурмат қилсин, деган истак мазкур идоралар фаолиятига сингишиб бормоқда. Собиқ СССР даврида Ўзбекистонда бу соҳада битта ҳам газета ёки журнал чоп этилмаган. Мустақиликка эришиб, дунё таниб, кўзимиз очилиб қарасак-

«Фуқаролар жамиятининг фуқароларимиз»

ки, узини билган, ҳурмат қилган, ривожланиб, фуқаролик жамиятини қуриб олган барча илғор демократик давлатларда ҳуқуқий нашрлари энг кўп чиқарилар экан. Бежизга Голландия, Германия, Англия, Франция, Америка давлатларида юристлар энг имтиёзли табақа ҳисобланмайди. Бу мамлакатларда юристнинг, ҳуқуқшуноснинг меҳнати юксак баҳоланади. Қонунга ҳурмат тимсоли мана шунда кўринади. Бизнинг Ўзбекистонимиз ҳам шу мақсадга юз бурган экан, бундан фақат қувонмоқ лозим.

— Бу гапларингиздан «Қонун ҳимоясида» журнали олдига қўйилган вазифаларни тушиниш мумкин. Шуни кенгроқ изоҳлаб берсангиз.

— Аввало «Туркистон» газетамиз ёш нашрни «меҳмонга» чорлагани учун катта раҳмат. Журналимизнинг биринчи сонини прокуратура ходимлари, юристлар, умуман кенг жамоатчилик яхши кутиб олишди. Яхши гап яхшида. Журналхонларимизнинг бизни очиқ юз билан қаршилаётгани, яхши тилаклар, истаклар, мулоҳазалар, таклифлар, албатта кучимизга куч қўшади. Шу асосда журналимиз мундарижасини бойитиш учун тиришиб ётибмиз. Тиришиб, деганимнинг сабаби барча янги нашрлар каби журнал таҳририяти энди шаклланмоқда. Ният катта-ю куч кам. Аммо муассисимиз, прокуратурадаги масъул кишилар бизга ҳар доим пешвоз чиқишмоқда. Барча истакларимизга «Яшил чироқ» ёқиб қўйишган. Қаерга борсак, кимга учрашсак очиқ юз билан кутиб олишади. Яхши жойга, қулай иқлимга экилган уруғ яхши ҳосил беради, дейдилар. Журнални юртимиздаги энг севимли, одамлар излаб қўйидиган халқчил нашрлардан бирига айлантириш учун ҳамма имконият мавжуд.

— Сизни шоир, публицист сифатида биламиз. Лекин журналингиз тармоқ журнали. Қийналмаяпсизми?

— Сизни тушундим. Очиғи, ихтиёслашишга тўғри келаяпти. Кейин таҳририятимиз прокуратура марказий идорасининг узида жойлашган. Ҳар қадамда юристларнинг ёрдамини ҳис этиб турамиз. Журналнинг юридик саводхон чиқиши учун барча имкониятлар кафолатланган.

Суҳбатдош
Нодир МАҲМУДОВ

ҲАЛОЛЛИК ИЙМОНДАНДИР

Мамлакатимиз ҳудудида асрлар мобайнида ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситаси бўлган шариат қонунларини, унинг жиноят ва жазо билан боғлиқ қоидаларини илмий таҳлил қилиш, унинг ижобий томонларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки шариатда қонунга бўйсуниш, уни ҳурмат қилиш, қонунбузарларни адолатли жазолаш, гуноҳкорни жазосиз қолдирмаслик, айбини тан олиб, пушаймон бўлганларни кечириш каби жиноят ва жазо билан боғлиқ қоидалар ўз ифодасини топган. Қонунларни билишга интилиш, уларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш, судни ҳурматлаш, унга ўз ҳақ-ҳуқуқларининг кафолати ва ҳимоячиси, низоларни ҳал қилувчи сифатида мурожаат этиш халқимизнинг азалий одати, анъанаси бўлиб келган.

Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги босқичида жиноятчиликка айниқса, унинг оғир турларига қарши кураш масаласи жиддий қўйилган бир шароитда мусулмон жиноят ҳуқуқидаги жиноят турлари ва уларга белгиланиши кўзда тутилган жазо тизими масалаларини ўрганиш ва у ҳақда халқимизга тўлароқ маълумот етказиш алоҳида аҳамиятга молик. Чунки шариатда жиноятнинг олдини олиш, турли жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб жазо тайинлаш каби кўпдан кўп эътиборга сазовор жиҳатлар борки, улардан ҳозирги кунда ҳам назария ва амалиётда фойдаланиш мумкин.

Мусулмон ҳуқуқининг асосий манбаи — Қуръони Каримда гуноҳ ва савоб, яъни жиноий, айб ва хайрли ишлар аниқ курсатилган ва ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш, унга қарши курашишда жамиятнинг барча аъзолари масъул эканлиги алоҳида таъкидланган. Жумладан, «Бақара» сурасининг 179-оятида: «Сиз учун ҳаётда қасос бор, эй аҳли донишмандлар! Шояд жиноятлардан сақлансангизлар!» — деб қайд этилган. Бундан шундай хулоса чиқадики, ҳар қандай киши қасосга дучор бўлишини ўйлаб ўзини жиноятдан тияди. Оятнинг мазмуни янада чуқурроқ таҳлил қилинганида жамиятдаги иқтисодий, маданий, тарбиявий ва ҳуқуқий чоралар уйғунлаштирилган ҳолда қўлланилсагина жиноятчиликка қарши кураш уз самарасини беради, деган маъно ётганини сезиш мумкин. Буни Ислом оламининг кўзга кўринган алломаларидан бири. Шайх Қодирхон ўғли «Кимки Оллохдан қўрқса, у ҳеч кимга тажовуз қилмайди. Оллоҳдан қўрқиш ер юзида жиноят қилишдан қайтарадиган асосий сабабдир» дея талқин этади.

Машҳур аллома Ал Бухорийнинг «Ҳадис»лар тўпламида зикр этилишича, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо САВ ўзлари бошқарган жамоаларидан бирида халққа мурожаат қилиб, шундай деган эканлар: «Зинокор айни вақтда мўмин бўлолмайди, чунки ул зино қилаётганида иймонидан ажрагайдур, ичимлик ичгувчи айни вақтда мўмин бўлолмайди, чунки у ичимлик ичаётганида иймонидан ажрагайдур, ўғри айни вақтда мўмин бўлолмайди, чунки ул ўғрилик қилаётганида иймонидан ажрагайдур ҳамда қароқчи айни вақтда мўмин бўлолмайди, чунки, ул одамларни бақрайтириб қўйиб, талончилик қилаётганида иймонидан ажрагайдур». Бу ҳадис мазмуни жуда кенг маънони англатади. Чунки иймон-эътиқодли бўлиш шариатнинг бирламчи шартларидан ҳисобланади. Демак, бирон-бир киши хоҳ ижтимоий хавфлилик даражаси катта бўлмаган жиноятлардан бирини, хоҳ ўта оғир жиноятни содир этишга қўл урар экан, унга иймонидан ажралган, яъни мусулмончилигини йўқотган киши, деб қаралади. Шуни назарда тутган ҳолда Ислом қонун-қоидаларига бўйсунувчи ва уни ҳаётга татбиқ қилувчи барча кишилар ҳар қандай қонунбузарликларни, айниқса, жиноятларни узига номуносиб деб ҳисоблаган ҳолда ундан узини тийиши шарт эканлиги, қисқа қилиб айтганда, жиноятчиликка қарши курашиш лозим эканлиги таъкидланади.

Мавжуда РАЖАБОВА,
Республика Прокуратураси қонунчилик муаммолари ва прокурор терговчилар малакасини ошириш ўқув маркази директорининг ўринбосари.

— Порахўрлик — ҳар қандай жамият учун хавфли иллат. У эл-юртга ҳам моддий, ҳам маънавий таъсир кўрсатади. Фуқаролар ўртасида эътиросзлар тутилишига сабаб бўлади. Келажак авлод тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шундай экан, бу иллатни бартараф этиш учун биринчи галда фуқароларимизда унга нисбатан муросасизлик, курашчанлик ҳисси шаклланмоғи керак. Мисолларга мурожаат қилсак: фуқаро Ш. Қосимова Тошкент вилояти прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб, Янгийўл шаҳар болалар касалхонасининг бош шифокори М. Муҳаммадиева ишга қабул қилиш эвазига пора талаб этаётганини билдирди. Тезкор гуруҳ томонидан ўтказилган тадбир натижасида Муҳаммадиева ўз хизматхонасида фуқаро Ш. Қосимовадан пора олаётганида қўлга олинди. Унга нисбатан жиноят иши қўзгатилиб, порахўр ўз жазосини олди.

— Хўш, Ш. Қосимова прокуратурага мурожаат қилмаганида нима бўларди?

— Жамоада порахўрлик янада авж олаверар эди.

Яна бир мисол. Журналхонларимизга яхши маълумки, мустақилликнинг меваси ўлароқ мамлакатимизда божхона хизмати ташкил этилди. Холис баҳо бермоқ керакки, бу хизмат туфайли кўплаб моддий ва маънавий бойликларимиз четга олиб кетилишига барҳам берилди. Лекин мазкур соҳага тор фикрли, ўз манфаатини ўйлаётган айрим кимсаларнинг ҳам кириб қолганлигини рад этиб бўлмайди. Масалан, Хоразм вилояти ички ишлар бошқармасига Қўшкўпир туманининг Жуманиёзов номли жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро Ҳайитбоев ариза билан мурожаат қилиб, шу тумандаги «Газавод» қишлоғида жойлашган вилоят божхона хизматининг учинчи постидагилар Туркманистон Республикасига турт қоп гуруч ва бир яшик кир совун олиб кетмоқчи бўлганида пора сураганликларини маълум қилади. Текшириш жараёнида мазкур хизматнинг кичик инспектори Қурбонбоев аризагўй Ҳайитбоевдан пора олаётганида ушланди. У суд ҳукмига кўра тегишли жазога тортилди.

— Айтингчи, пора олишга моддий қийинчиликлар сабаб бўлиши ҳақидаги айрим фикрлар асослими?

— Йўқ. Ҳали очлик, моддий етишмовчилик ёки оилани тебрата олмагани учун пора сураган бирор шахсни билмайман. Порахўрлик менимча, моддий қийинчиликнинг эмас, балки маънавий қашшоқликнинг маҳсулидир. Айрим ўзига тўқ, мансабдор, масъул шахсларнинг порага муккасидан кетаётганини ўзгача баҳолаш мумкин эмас.

Баъзида айрим муаллимларнинг пора олишаётгани қулоқка чалинмоқда.

— Ҳозир ҳаммамиз масъулиятли ўтиш даврини бошдан кечирмоқдамиз. Лекин шу қийинчиликлардан халол йўл билан чиқишга ҳаракат қилиш зарур ва шартдир. Бу, айниқса, ўқитувчиларимизга тааллуқли. Чунки пора олган кишининг таълим-тарбия билан шуғулланишга маънавий ҳуқуқи ҳам, юридик ҳуқуқи ҳам қолмай, бутун эл олдида юзи шувит булади.

Қонун барчага баробар

ПОРАХЎРЛИК МАЪНАВИЙ ҚАШШОҚЛИКДИР

Рашид Қодиров, Республика Бош прокурорининг ўринбосари, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси

Маърифат тарқатувчиларимизнинг 99 фоизи халол ва покиза инсонлар, устозларимиздир. Лекин афсуски, улар орасида ҳам баъзан нафс гадолари учраб туради. Бухоро газ саноати техникумининг ўқитувчиси Бозоровнинг қилмиши бунга мисолдир. У маъмуриятнинг қарори билан 1994-95 ўқув йили қабул комиссиясининг масъул котиблигига тайинланади. Шу техникумга ўқишга кирмоқчи бўлган абитуриентларнинг бир қисмини ўқишга «жойлаштириш» учун комиссия аъзоси бўлган Б. Демурчиев, Ҳ. Аҳматов, техникумнинг ўқув-амалиёт ишлари бўйича директор ўринбосари Ф. Аминов, ўқитувчилар Т. Қурбонов, Т. Очиловлар орқали бир неча марта катта миқдорда пора олган. Бозоров эгаллаб турган хизмат вазифасидан фойдаланиб, фуқаро Ҳусановни техникумнинг «Иқтисод ва режалаштириш» бўлими биринчи курс талабалигига қабул қилиш учун унинг амакиси Ҳусановдан 2600 сум, 21000 Россия рубли, 35 Германия маркаси ва АҚШ долларини пора тариқасида олаётган пайтида милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Ўмуман Бозоров 6 абитурентни ўқишга киритиш учун техникум ходимлари орқали 6 минг 530 сум ва 2515 сўмлик моддий буюмларни пора тариқасида олади. Шундан 2500 сўм пулни пора олиш-беришда воситачилик қилган Б. Демурчиев, Т. Очилов, Т. Қурбоновлар ўзларига олиб қоладилар. Ф. Бозоров ўз шериклари билан суд томонидан қилмишига яраша жазога тортилди.

— Баъзи давраларда порахўрликка қарши кураш анча сусайиб қолгани ҳақида гаплар бўлаяпти...

— Бунга мутлақо қўшилмайман. Аксинча, кучаймоқда. Қуруқ гапдан амалий иш кўп ҳозир. Биздаги маълумотларга кўра, порахўрларни ушлаш, жазолаш ишлари сезиларли жонлантирилган. Илгариги йилларга нисбатан ўтган йили порахўрликка оид жиноий ишлар кўпроқ очилди ва судларда кўрилди. Мана, ушалардан бири: фуқаро М. Ҳакимов Тошкент вилояти ИИБга ариза билан мурожаат қилади. Унда таъкидланишича, «Политотдел» жамоа хўжалигидан ишлатиш учун сотиб олинган «ГАЗ-51» маркали автомашинага олдисотди шартномасини тасдиқлатиш учун Паркент тумани муҳрдорлик идорасига боришганида муҳрдор бўлиб ишловчи Муҳтабар Саидалихўжаева тамагарлик йўли билан пора беришни талаб қилади. М. Саидалихўжаева порани олаётган пайтда маъмурий орган ходимлари томонидан ушланди.

— Уй-жой жуда жиддий масала, айниқса, Тошкент шаҳри шароитида. Чунки аҳоли кўп. Шу вазиятдан фойдаланиб пора олганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлар борми?

— Афсуски, бор. Ҳ. Исматов 1990 йилдан бери Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги уй-жойларни аҳолига тақсимлаш ва сотиш бўйича «Фароис» фирмасининг А. Икромов тумани бўйича вакили бўлиб ишлаб келган. У ўз хизмат мансабидан фойдаланиб, шу фирманинг инспектори Д. Муҳамедова ва уларга ёрдам бериб юрган М. Ҳошимовлар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, фуқаро У. Саидалиевانинг квартира олиши учун «Фароис» фирмасига топширган ҳужжатлари қонунсиз бўлса-да, 100 минг сўм пул эвазига унга квартира бериш ҳақида келишиб олишган. Судда аниқланишича, М. Ҳошимов фирма биносида 100 минг сўм пулни пора тариқасида олиб, У. Саидалиевага квартира калитини ва электр-счётчигини бериб юборади. Одил суд бу ишни атрофлича таҳлил қилиб, порахўрларга тегишли жазо муддатини белгилади.

— Юқорида порахўрликка оид қатор мисолларни келтирдингиз. «Қонун ҳимоясида» журналини эндигина қўлларига олган азиз ўқувчиларимизда жамиятимизда порахўрлик авж олаётган экан-да, деган фикр туғилмасмикан?

— Яна таъкидлайман, мен келтирган мисоллардан порахўрлик авж олаётган экан, деб эмас, балки порахўрлик ва порахўрлар билан кураш авж олаётибди, экан деган фикр туғилмоғи керак.

Суҳбатдош Эшпўлат БЕҒМАТОВ.

Малакали терговдан намуналар

СУИҚАСД

... Урганчлик Шариф Машариповга ҳаётининг сўнгги ойлари мобайнида икки бора суиқасд уюштирилди. 1988 йилнинг қиши хуфтонида узилган ўқ мулжалидан адашди. Уша йилнинг 16 мартида отилган ажал тийрони эса қиларини қилди.

Урганч гўшт комбинати цех бошлиғи Ш. Машариповнинг ўлимидан бўён кўп сувлар оқиб ўтди. Излаш-қидиришлардан ҳеч наф йўқдек эди. Аммо ундай бўлиб чиқмади. Жиноятчилар орадан 7 йил ўтгандан сўнг — 1995 йили «қора курси»га ўтирдилар. Уларни узоқ, аммо эринмасдан излашди. Турли шубҳа-гумонларга қадам-бақадам аниқлик киритилди. Натижада, гумон қилинган ўнлар, юзлар, борингки, бир неча юзлар орасидан қотилликка қўл урганларнинг бари топиб олинди.

— Баъзи жиноятлар ойлар, йиллар давомида очилади, — дейди вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Рустам Отажонов, — Жиноятчилар, ҳа, деганда қўлга тушавермаса, авваламбор унинг юзага келиш сабаблари аниқланади. Прокуратуранинг очилмаган жиноятларга тааллуқли «қолиплари»дан фойдаланамиз.

Изқуварлар Шариф аканинг ўлими сабабларини даставвал «оилавий можаролар қолипи»га солиб ўрганишди. Йўқ, Қотилликка оилавий низолар сабаб бўлмаган эди. «Пул, молдунё негизидаги жиноятлар қолипи»дан ҳам натижа чиқмади. «Ичкиликбозлик, нашавандлик, мансаб талашиш каби қолиплар»га ҳам мурожаат қилинди. Шу хил можаролар билан боғлиқ ўнларча, юзларча гумондорларнинг хатти-ҳаракатлари зимдан кузатилди. Баъзилар суроққа ҳам чақирилди. Буни қарангки, изқуварлар гўшт комбинатидаги машъум қотилликни ўрганаётиб, ўзлари кутилмаган ҳолда йўл-йўлакай бошқа айрим жиноятларга ҳам рўпара келишди. Уни содир этганларни эса оппа-осон қўлга туширишди. Шу аснода навбат ишдаги келишмовчиликлар «қолипи»га келиб тақалди. Жиноят «қолип»га солинса, албатта, унга элтадиган йўллар ва бу йўлдан кимларнинг юриши бир-бир куриб-кузатилади.

Ана энди тўрни кутараверса ҳам бўлади. Шариф Машарипов ўзига қарши пухта ўйланган фитна қурбони бўлган эди. Гўшт комбинати хизматчиси Бозор Бобомуротов боши узра «ёғлиқ» ишдан қувилиш хавфи пайдо бўлганлигини пеш қилиб, гўёки уни таъқиб этаётган ҳар гал болахонадор жиддий танбеҳ бераётган Ш. Машариповдан қасд олишни кунлига тугади. Бу ишда мадад сўраб, қўшниси Комилжон Маҳмудовга, у эса ўз навбатида дўстлари Рузимбой Ниёзматов ва Бахтиёр Отамуратовга мурожаат қилади. Мумай пул эвазига Ш. Машариповни орадан олиб ташлаш режаси тузилади. «Хожатбарорлар» енг шимариб ишга киришадилар. Фитна ташкилотчиси ва хомийси К. Маҳмудов жиноий гуруҳни дастлаб Урганч туманида яшовчи Илёс Саидовнинг хонадонига етаклайди. Улар ўзларини милиция ходими сифатида кўрсатиб, уйда сақланаётган 16 калибрли қўшғоз ов милтиғини «мусодара» қиладилар. Сўнгра эса ўлжа қуролнинг қундоғи ва стволини кесиб, ихчам ҳолга келтиришади. 1988 йилнинг 7 январь куни хуфтонга яқин отилган ўқ Шариф Машариповни енгил яралайди. Натижада «хожатбарорлар» буюртимачи Бозор Бобомуротовдан ваъда қилинган пулни ололмай, пухтароқ ўқотар қуроли зарурлигини таъкидлашади. Шунда Р. Ниёзматов таниши Виктор Цой 2 минг сўм эвазига 12 калибли қўшотар милтиғини сотмоқчи эканини маълум қилади. Бозор Бобомуротовдан 2 минг сўмни ундирган Рузимбой Викторнинг милтиғини минг сўмга сотиб олади. Қолган пулни эса чўнтагига уради.

Шундай қилиб, 1988 йилнинг 16 март тонг маҳали гўшт комбинатида яна ўқ овози «жаранглайди». Ишхонаси эшигини очаётган пайтида оғир яраланган. Ш. Машариповнинг жони уч кун ўтгач касалхонада узилади. Жиноятни ҳамкорликда амалга оширган Ниёзматов ва Отамуротов ниҳоят Бозор Бобомуротовдан ваъда қилинган пулни олишади. Ш. Машариповни жувонмарг этган милтиқни эса Б. Отамуротов укасининг уйига яширади. Кейинчалик, излар босилгач, укаси уни бошқа бировга сотиб юборади.

Жиноий гуруҳ аъзолари узоқ йиллар мобайнида қилмишларини «чақилмас енгоқ» санаб юришди. Катта-кичикнинг олдида ўзларини қўй оғзидан чўп олмаган мумин-қобил бандалар сифатида кўрсатиб, чор-атрофдагиларга иймон-эътиқод, инсоф- диёнатдан гап сотишар эдилар. Хатто қонун посбонлари ва ҳуқуқ-тартибот органлари устидан кулиш, мазах қилишгача бориб етишди.

Ҳайрият, Жиноят кузаси гарчи кунда бўлмаса ҳам кунида синади экан. Хоразм вилояти судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати яқинда машъум жиноятга хотима ясади. Судья Д. Матмуратов раислигида ўтган давомли суд мажлисларида узоқ йиллар мобайнида турли миш-мишларга сабаб бўлиб келган уша жиноятнинг барча тафсилотлари ошкор этилди. Айбдорлар одилона жазо олдилар. Ўзбекистон Республикаси жиноят Мажмуасининг тегишли моддаси билан айбланган К. Маҳмудов ва Р. Ниёзматовнинг ҳар бири 15 йил, Б. Отамуратов эса 13 йил озодликдан маҳрум этилдилар. Мазкур ҳукм юқори судлар томонидан ўз кучида қолдирилди. Б. Бобомуротовни эса бир бегуноҳ одамнинг қони тутди. «Жабрдийда» судга етмаёқ жон таслим этди. Бозор Бобомуротовга нисбатан тайинланадиган муқаррар жазони унга Оллоҳнинг ўзи юборди.

Зеро шундай. Шоир деганидай, ҳар кимки ёмон булса, жазо топқусидир.

Қадам ИНОЯТОВ,
Хоразм вилоят прокурорининг ўринбосари адлия катта маслаҳатчиси.

ЭҲТИРОМ

Ғалаба байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида бўлиб ўтган тантанали тадбир фахрийларимизнинг дилларини чароғон айлаган бўлса ажаб эмас.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Бўритош Мустафоев барча меҳмонларни Ғалаба байрами билан самимий табриклади. Уларнинг Ғалабага қўшган улушлари, жанг майдонларида, сўнг меҳнат жабҳасидаги қаҳрамонликлари ҳақида гапириб ўтди. Шу куни фахрийларнинг қучоқлари гулларга тўлди.

Республика Прокуратураси томонидан уларга эсдалик совғалари топширилди. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши раиси Ином Йўлчиев, фахрийлардан Светлана Стахановалар ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор учун ташаккур билдирдилар.

СУРАТЛАРДА: байрам тадбиридан лавҳалар.

Жованни ФАЛЬКОНЕ

МАФИЯНИНГ АСЛ ҚИЁФАСИ

Мен Палермода туғилганман. Илк бор «инга» деганимдан тортиб, болалигу ўсмирлик йилларимда, ҳатто оқу қорани яхши ажрата биладиган ёшимда ҳам бир дақиқа йўқки, мафия ҳавосидан нафас олмаган бўлсам. Болалик чоғларимда деярли ҳар куни «орият одамлари» деб аталмиш туда аъзоларининг янги қотилликларини эшитардим ва бу шафқатсизлик олдида даҳшатга тушардим.

Ўзини-ўзи «муҳтарам жамоа» деб атагани билан мафия етти бошли аждарҳодек ғаройиб, қўрқинчли ва яшовчандир. Бу ташкилот даҳшат уммони бўлиб, вулқон каби отилиб, ўз йўлида учраган жамики нарсаларни ёндириб, кул этади. Мана энди, ҳаёт ва касбим тажрибасига суяниб айтаманки, «орият одамлари» ҳеч қачон дажжолга ўхшамас экан. Гоҳ-гоҳида бир неча грамм ёки килограмм героин учун ё ота, ё онамни ўлдиришим мумкин, дегувчиларга ишонманг.Бу ёлғон гап. Улар ҳам кўп жиҳатдан сизу бизга ўхшаш одамлар. Айнан шунинг ўзи уларни қўрқинчли қилиб кўрсатади. Бунинг негалигини тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Болалигим ўтган Палермони беш қўлдай биламан ва ўзимни бу ерда енгил ва бахтиёр ҳис этаман. Мен шаҳарнинг қоқ марказида яшаганман. Йигирма беш ёшимда уйдан чиқиб кетган эдим, мафияга қарши кураш мақсадида ўлимни бўйнимга олиб, Сицилияга ўттиз саккизга кирганимда қайтиб келдим. Қайтиб келдиму соғлом жамият билан мафия ўртасидан чизиқ тортиш ўйлаганимдек осон эмаслигини англаб етдим. Бошқаларга қандай — билмадим, лекин мен учун улар бир-бирига қўшилиб-чатишиб кетган. Мисол учун, мен мактабда бир қизнинг кўнглига қўл солган эдим, уни қирқ ёшга тўлганида Палермода яна учратиб қолдим. Илк суҳбатимиздаёқ сездимки, унинг эри ўша «орият одамлари» тўдасидан бўлиб, героин олдисотдиси учун қамалибди. Яна бир мактабдош дўстим қурувчи-пудратчи бўлиб ишлар экан. Икковимиз мактабда роса теннис ўйнардик. Ўттиз йил ўтиб, уни яна... наркотиклар ташигани учун ҳибсга олингач, тергов чоғи учратиб қолдим. Тергов давомида у мени таниб: «Биз сен билан мактабда пинг-понг ўйнардик», деди. Унинг юзи ёришиб кеттач: «Ушанда мендан ҳўп улуш олгансан...» деб қўшиб қўйди. Энди эса менинг мактабдош ўртоғим ўттиз йилга қамоқ жазосини олди.

Бир куни Палермонинг қайси бир кўчасида аллақандай шофёр унинг йўлини тўсиб олган ҳайдовчига қарата важоҳатла овозининг борича бақираётганининг гувоҳи бўлдим. Айбдор шофёр лом-мим демай ҳалиги шофёрга беписандлик билан қараб қўйди, бақирган шофёр эса, дарров тилини тишлаб, машинасини четга олди. У ҳаммасини тушуниб етган эди. Чўнки бу ер Сицилия, ёзилмаган қонунлар ороли, «орият одамлари»нинг ўз ғайритабиий ҳукмронликлари ва синоатли таъсирини бошқаларга ўтказишнинг ошкора ифодаси эди.

Тахминан беш минг сицилиялик ўзини «муҳтарам жамоа» гуруҳига мансуб деб билади. Улар жуда қаттиқ танловдан ўтишган ва жуда қаттиқ ички қонун-қоидаларга бўйсунишади. Бу ашаддий жиноятчилар ўзларини «аскар» деб атайдилар ва ҳар нарсага ижозат берадиган черков руҳонийлари деб биладилар. Касбим тақозаси билан уларнинг жиноий ишларини кўриб чиқар эканман, ўзимни мина устида юргандек ҳис этаман. Бу ишга қўл ураётганимдаёқ мафия билан нафақат курашиш, балки уни парчалаб ташлаш мумкин эканига ишонган эдим. Аммо тез орада бу курашда иштирок этиши ёки бу курашга раҳбарлик қилиши туфайли маош оладиган кўпдан-кўп расмий, ҳатто ҳукумат идораларида ўтирган одамларнинг ҳеч нарса қилгиси келмаётгани ёки ўзларини четга тортиб, кузатувчилик қилишаётганини тушуниб етдим. Мен буни илк бор «князнинг улиги», яъни мафиянинг юқори лавозимида ишлайдиган бир одамни ўлдириб кетган куни ҳис этган эдим. Ишхонада бу қотилликни очишга ёрдам берадиган маълумотларни таҳлил этиб турганимда бехосдан телефон жиринглаб қолди. Телефон қилган одам мафияга қарши кураш бўйича бўлим раҳбари, яъни бошлиғим эди. Мен унга терговнинг бориши тўғрисида хабар бермоқчи бўлдим, бироқ уни бошқа нарса қизиқтираётган экан. «Мамлакатда осойишталикни сақлаш учун нима қилишимиз мумкин?» деб суради у мендан.

Бир куни, Палермода биринкетин қотилликлар рўй бераверган, менга Италия ички ишлар вазирининг ўзи телефон қилиб қолди, қарангки, уни ҳам жиноятчиларни қидириб топиш эмас, балки қонуннинг ожизлигини ағдариш мумкин булган бирор кишини излаб топиш қизиқтираётган экан.

Италия давлати уюшган жиноятчилик билан мана шу тарзда курашади. Бу кураш онда-сонда, эҳтиросларни жиловлаб туриш учунгина олиб борилади. Унинг мақсади оммага ҳам қоронги. Бу — омманинг кўзини шамғалат қилишдан ўзга нарса эмас. Бутун дунёда мамлакатимизда рўй бераётган воқеаларни кузатиб бораётган одамлар биздан, мафиянинг таъзирини бериб қўя олмаётганимиз сабабини сурайди. Унинг сабаблари бисёр. Энг биринчи сабаби, назаримда, аксарият сиёсатчиларнинг мафиянинг кучини билганида ва унга қарши курашдек жиддий ишда қатнашишга ройи йўқлигида. Шу боис улар кейинроқ муваффақиятсизликда айбдошлари учун бу кураш масъулиятини бошқалар зиммасига юклашга ҳаракат қилмоқдалар.

Одамларимиз ҳали-ҳамон мафияга қарши курашга шарт-шароитлар ҳозирлайдиган. Италиянинг аллақандай маданий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти ҳақидаги чўпчакка ишонадилар. Аммо ҳеч нарсага қўл урмай, ўзини четга олиб қочиш билан муваффақиятга эришиб бўлмайди-ку. Муваффақиятга эришиш учун айнан бугун, эртага, ҳар куни курашмоқ керак.

Мафия соф инсоний қиёфага эга. У қачонлардир дунёга келган, сўнг барқарор ривожланган ва алалоқибат ўз хотимасини топади. Мафия билан қандай курашиш кераклигини баён этишдан аввал мен унинг одамлари қандай ўйлаши ва ҳаракат қилиши, нима учун унда илоҳий ёвузлик мужассамлашган деган тасаввур хатолиги ҳақида бироз тўхталмоқчиман. Мана бир мисол.

Антонио Кальдероне мафия муҳитида ўниб-ўсган. Кунларнинг бирида у мафиянинг киборларидан бўлган, кейинчалик саратон касали билан ўлган суюкли тоғасини кўргани боради. Уша пайтлар Антонио «орият одами» деб расман тан олинмаган, ўз навбатида тоғаси ҳам у билан очиқ гаплаша олмасди. Шу боис у хўрсиниб: «Дераза рафидаги атиргулни кўряпсанми? У боғоят гўзал. Лекин сен уни юлмоқчи бўлсанг, тирноқларинг билан юмдалаб ташлайсан», дейди.

Қария бир муддат жим қолгач, яна тилга киради: «Эҳ, сен абадий уйқуга кетмоқлиқ нақадар гўзаллигини билганингда эди. Қаники, ярим кечада уйқунгни ҳаром этмасликлари тушингга ҳам кирмаса. Кўчада, ҳозир елкамга ўқ келиб тегади, деган хавотирдан холи бўлиб, ортингга қарамай бамайлихотир сайр этиш қанчалар баҳт эканини билсанг эди!».

(Журналнинг навбатдаги сонида мақола тўла чоп этилган.)

Биз билган ва билмаган дунё

БЕПОЁН КОИНОТ СИРЛАРИ

Коинотимиз кенгайиб бормоқда — бу ҳам назарияда, ҳам тажрибада исбот қилинди. Узоқ галактикалар нурланишининг «қизил силжиши» кашф қилиниши шундан далолат беради. Ҳозир физиклар янада узоқни кўришга ҳаракат қилиб, «Катта портлашдан» сўнг дастлабки дақиқаларда Коинот қандай ҳолда бўлганини тасвирлашга интилмоқдалар, табиий-илмий равишда тушунтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳа, фан тараққиётининг сўръати бизнинг кўз ўнгимизда ортиб бормоқда. Агар, ҳозир ҳар бир ёки ҳар икки ун йилликдан табиат ҳақидаги бизнинг тасаввурларимизни ва ундаги бизнинг ўрнимизни тубдан аниқлайдиган ва ўзгартирадиган кашфиётлар қилиняпти, десак лоф қилмаган бўламиз?

Биз автомобилда узоқ вақт сафардан ўз уйимизга қайтганимизда машина ёнилғиси тамом бўлган, дейлик. Бу бензинда мужассамлашган энергия йўқ бўлиб кетди, деган маънони билдирмайди. Ёнилғи фақат ўз кўринишини ўзгартирган ва атроф муҳитга ишлатиб бўлинган газлар ва иссиқлик сифатида тарқалади, холос. Натижада атроф муҳитнинг иссиқлик даражаси бир озгина ортади.

Энергия муаммосида унинг фақат фойдали қисмигина эътиборга олинади. Ана шу қисмни олимлар «эксергия» деб атайдилар. Эксергия — иш қобилияти, деган маънони билдириб, бу термин кейинги йилларда кўп ишлатилмоқда.

Ердаги ҳаёт учун эксергия бериб турадиган асосий манба Қуёшдир. Коинотда юқори ўюшқоқлик мавжуд. Масалан, бу Қуёш ва уни ўраб турган космик фазо ўртасида мавжуд бўлган ҳарорат фарқидир. Агар ҳамма ерда бир хил ҳарорат барқарор бўлганида, Қуёш энергияси бир хил ҳароратдаги хоналар энергияси каби фойдасиз бўлиб қолган бўлар эди.

Шундай қилиб, Ер — иссиқлик машинаси бўлиб, у қизиган ҳавзадан олган энергиясини янада совуқроқ бўлган моддаларга узатади. Машҳур немис физиги Рудольф Клаузис олдинги асрда бу хусусиятни энергиянинг қадрсизланиши деб атаб, вақти келиб юлдузларда тўпланган энергия иссиқликка айланади ва коинот бўйлаб бир текис тақсимланади, деб таъкидлаб, шундай қалтис хулосага келган: ҳамма ерда абсолют нолга яқин «совуқ» температура вужудга келади ва коинотнинг «иссиқлик ҳолати» рўй беради. Унинг бу хулосаси дунёни диний идрок этувчилар орасида катта қизиқиш уйготди.

Табиат тарихининг умумий манзараси қуйидагича. Инсоният — табиатнинг анча ёш қатнашчиси, у тахминан 20 миллиард йиллик коинот умрининг сўнгги икки миллион йили даврида, демакки, сўнгги ун мингдан бир булагида «саҳна»га чиққан. Ҳатто бундан 400 миллион йил аввал пайдо бўлган Ердаги ҳайвонлар ҳам космик тарихнинг ҳозирги куни ҳисобланади. Ҳаётнинг биринчи шакллари, ҳақиқатда, тахминан бундан беш миллиард йил аввал Қуёш системасининг пайдо бўлишидан кейин — нисбатан жуда тез — яъни бундан уч миллиардча йил илгари ҳам мавжуд бўлган. Қуёш бошқа юлдузларга нисбатан ёшроқдир.

Одатда, ҳодисанинг фазодаги ўрнини белгилаш учун учта ўлчам ёки учта сонни кўрсатиш кифоя қилади. Масалан, кенглик, узунлик ва Ер сиртидан баландлиги кўрсатилиши керак. Буни бошқачасига, физикавий фазо уч ўлчовга эга, деб айтилади. Физикавий нуқтаи назардан ўлчовлар сони учтадан кўп ёки кам бўлган фазоларни тасаввур қилиш мумкин. Машҳур немис олими Давид Гильберт чексиз миқдордаги ўлчовларга эга бўлган фазоларда геометрия тузиш усулларини кўрсатиб берган. Бизга икки ўлчамли «фазо» таниш. Бу текисликдир. Текисликда рўй берган ҳодисанинг жойини белгилаш учун иккита ўлчамни — кенглик ва узунликни кўрсатиш кифоя. Уч ўлчамли фазо деганда ҳамма томонга чексиз чўзилиб кетган ва бир—биридан фарқ қиладиган жойлари бўлмаган фазо тушунилади. Шунингдек, эгриланган сирт ҳам мавжуд. Бу масалан, шарнинг сиртидир. У бутунлай бир жинсли бўлиб, сиртининг маркази ҳам, чегараси ҳам йўқ. Унинг эгрилигини уч ўлчамли фазода кўришимиз мумкин. Биз «мутлоқ ясси» мавжудот бўлганимизда эди, унинг эгрилигини сезмаган бўлар эдик.

Нисбийликнинг умумий назариясида Коинот фазо сифатида уч кўринишга эга: биринчиси, «сферик фазо»; шунга ўхшаш бўлган икки ўлчамли «фазо» бу шар сиртидир. Унинг ажойиб хусусияти — чегарасизликда чекка эгалигидир. Ундаги исталган икки нуқта орасидаги масофа экватор доирасининг узунлигидан катта бўлмайди. Тўғри чизиқ бўйлаб юрадиган бўлсак, биз яна бошланғич нуқтага қайтамиз. Шунинг учун бундай фазо — «ёпиқ» фазо дейилади. Иккинчи, «ясси» фазодир ва у биз билган одатдаги текисликдир. Учинчиси, «гиперболик» фазо бўлиб, у эгар кўринишдаги сиртдир. «Сферик фазога қарама-қарши ўлароқ, у чексиз чўзилган ва уни «очиқ» фазо, деб аташади.

Фазонинг эгрилигини унда материянинг мавжуд бўлиши билан тушунтириш мумкин. Агар материянинг бир куб сантиметрдаги зичлиги маълум ўртача зичликдан ошиб кетса, фазо «сферик» бошқа ҳолларда эса «гиперболик» кўринишда бўлади. Бу ерда ниҳоятда аниқ ўлчашлар олиб бориш талаб этилади. Фазонинг барча уч ўлчамда ҳам ўзгармай қолиши Коинотнинг асосий хусусиятидир. У доим кенгайиб бормоқда ва бу нарсани тўғридан-тўғри бевосита кузатиш мумкин: деярли барча галактикалар биздан узоқлашиб бормоқда.

Келгусида коинот кенгайишда давом этадими ёки йўқми? Бу материянинг ўртача зичлигига боғлиқ: «Очиқ» коинотда кенгайиш чексиз давом этади, «Ёпиқ» ҳолда эса бу жараён қачонлардир тўхтайди ва орқага қараб кетади. Фазо яна қисилади ва у «Катта сиқилиш»да йўқолиб кетади.

Агар коинот ҳозиргисидан тезроқ кенгайганда эди у вақтда барча нейтронлар парчаланиб кетган, зарралар янада тезроқ сочилган бўларди ва улар бир-бирлари билан янада тезроқ тўқнашиб атом ядроларини вужудга келтирарди. Нейтронларда йиғилган энергия уларнинг парчаланиши туфайли аллақачон сарфланган бўлар эди. Ёки аксинча, кенгайишнинг секинлашуви ҳам тартиб ва ҳаётнинг пайдо бўлишига олиб келмайди.

Коинотда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, демакки бизнинг мавжудлигимиз аввало эволюциянинг ибтидосига боғлиқ. Ҳозирги замон илмий қарашларига биноан Коинот кенгайишини дастлабки босқичлардан бирида енгил кимёвий элементар атомларнинг ядролари — водород ва гелийнинг ядролари пайдо бўлган. Кейинчалик кенгаяётган муҳитда нобиржинсликлар, ўзига хос «қуюқликлар» вужудга келган. Улар ўз навбатида юлдуз ва галактикаларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Юлдузлар қаърида термоядро реакциялар бошланиб, уларнинг натижасида янада оғирроқ, то темиргача бўлган элементлар синтези рўй берган. Ўлкан юлдузлар портлаб ташқи қатламларни улоқтира бошлаган. Бундай кенгайиб бораётган газ қобиқларида янада оғирроқ элементларнинг вужудга келиши учун етарлича шарт-шароитлар юзага келган. Қуёш ва бошқа шу каби юлдузлар атрофида сайёралар вужудга кела бошлаган. Уларнинг ҳеч бўлмаганда биттасидан, яъни ерда бундан беш миллиардча йил илгари ҳаётнинг пайдо бўлиши учун мақбул шароит яратилган.

Нима учун биз яшаётган Коинотда маълум бир физик жараёнлар содир бўлади, нима учун Коинотда одам бор? Бу саволлар ўз даврида Аристотелни ҳам қизиқтирган эди. Дунё ҳақидаги бизнинг билимларимиз ортиб бориши билан саволлар янада тез-тез такрорлана бошлайди. Аммо бу саволларни барчасига умумий тарзда Коинот шундай тузилган ва бошқача бўлиши мумкин эмас, деб ҳам жавоб бериш мумкин. Дарҳақиқат табиат қонунлари ва материя тузилиши ҳақида биз эришган билимларимизга таянган ҳолда бундан кўпроқ бирор нарса айтиш қийиндек тўюлади. Аммо асримизнинг бошларидаёқ олимлар: агар биз дунё илгари ҳам ҳозир ҳам шундай бўлган ва бундан кейин шундайлигича қолади десак, у ҳолда «олам нима учун айни шундай тузилган, нима учун унинг қонунлари шунақа ва улар бундан бошқача бўлиши мумкин эмасми?» каби саволларга жавоб бера олмаймиз, деган қизиқ бир фикрни ўртага ташлаган эдилар.

Раҳим БЕКЖОНОВ,
Ўзбекистон ва Нью-Йорк Фанлар Академиялари академиги

(Давоми бор).

Самарқанд — замин сайқали





Самарқанддаги ҳашаматли меъморий ёдгорликлар бугун ҳам замондошларимизни ҳайратга солиб келяпти. Самарқанд обидалари жаҳон меъморчилигини устуни саналмиш қадимги Рим, Ҳиндистон, Хитой, Миср ёдгорликлари билан бир қаторда туради.

Марказий Осиёнинг маданий ёдгорликлари бугунги маданиятимиз санъатимиз ривожи учун ғоятда катта аҳамиятга эга. Уларда сақланиб қолган ҳақиқий миллий руҳ, расм-русумлар жаҳон маданиятида ҳам ўзининг мукаммал ўрнига эга.

Бугун мамлакатимизнинг бошқа жойларидаги каби Самарқандда ҳам соҳибқирон Амир Темур таваллудини нишонлашга қизғин тараддуд давом этмоқда. Шу муносабат билан бу ерда ўзбек халқининг бой тарихига бағишланган кўргазмалар, учрашувлар ўтказиляпти.

Суратларда: самарқандлик келин. Регистоннинг бугунги кўриниши.

ФУТБОЛ: ЕВРОПА БИРИНЧИЛИГИ

ШИРЕРНИНГ АРМОНИ УШАЛДИ

8 июнь. Лондон. Маҳаллий вақт билан соат 14.00 90 минг томошабин билан лиқ тўлган «Уэмбли» ўйингоҳи катта тантанани сабрсизлик билан кутмоқда.

16 мамлакат байроғи ўртасида қад кўтарган 5 метрлик совриндан 40 мингта шар отилиб кўкка парвоз қилишини, осмон узра ҳаво кемаларининг ҳар хил мўъжизалар кўрсатишини, Буюк Британия қироли оиласи номидан ҳаммани табриклаш учун қадам ранжида қилган Кент герцогининг илиқ сўзларини ўйингоҳ томошабинларидан ташқари ойнаи жаҳон орқали 194 мамлакатнинг 2 миллиардга яқин ашаддий ишқибози томоша қилганлиги ушбу байрамнинг нечоғлиқ аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Сўнг ушбу байрамда катта футбол спектакли бўлиб ўтди. Англия — Швейцария матчи билан Европа биринчилиги учун футбол мусобақасининг биринчи баҳсига старт берилди. Ўйиннинг биринчи дақиқаларидан инглиз футболчилари ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Англия терма жамоаси таркибида икки йилдан бери дарвозага тўп ўуллай олмаётган «Манчестер Юнайтед» жамоаси тўп урари Алан Ширернинг омади ниҳоят ана шу ўйинда чопади. Бироқ швейцарияликлар ҳам шундайгина ўйин тақдирини рақибларга топшириб қўядиган анойилардан эмас. Уларнинг 2-қисмда жонжаҳди билан қилган ҳаракатларини Туркелмас ниҳоясига етказади. Ҳисоб — 1:1.

9 июнь куни эса Испания — Болгария, Дания — Португалия ўртасидаги мусобақаларда ҳам ана шу ҳисоб қайд этилади. Стоичков ва Алфонс, Б. Лаудруп ва Пинту киритган тўплар иккала ўйин тақдирини «тинчлик» билан ҳал этади.

Барчанинг диққат-эътибори эса Германия — Чехия учрашувига қаратилган эди. Хеслер, Меллер ва Клинсманн каби ёркин юлдузларга эга немис футболчилари ушбу ўйинда ғолиб чиқадими, ё аввалги уч учрашув натижаси ушбу учрашувда ҳам қайд этиладими деган саволга ушбу ўйин узил-кесил жавоб қайтариб нуқта қўйиши керак эди. Циге ва Меллер киритган тўплар ўйин тақдирини ҳал этди. Ҳисоб — 2:0. Қолган учрашувлар: Голландия — Шотландия 0:0, Руминия — Франция 0:1 ҳисоби билан якунланди.

Танишинг: истеъдодли хонанда Шомаҳмуд Шораҳмедов. «Янги ой чиққан кеча», «Ишқ», «Тополмасман», «Хуш қол энди» каби ўнлаб лирик қўшиқлар ижрочиси. Тошкент Давлат консерваториясининг катта ўқитувчиси. Турмуш ўртоғи — Холисхон моҳир созанда. Сабоҳат, Сарвиноз, Фарангиз — севимли қизчалари.

ҚЎШИҚЛАРИМ — ҚАЛБИМ ГУЛЛАРИ

Лирик хонанда Шомаҳмуд Шораҳмедовни тинглаб



Мен Сиз учун куйлайман. Фақат Сиз учун. Қўшиғим қалбингизнинг энг нозик хилқатларигача бориб етса дейман. Қўшиқларим юрагингизнинг бир парчаси бўлсин. Қўшиқларим ҳамма ерда: ёнингизда, юрагингизда, ҳатто оёқларингиз остидадир. Юрагингиз эса жуда юксакда — осмонлардан ҳам юксакроқда.

Сиз учун куйлайман. Сиз учун дилбар қўшиқлар тўқийман. Муҳаббатни, вафо-садоқатни куйлайман Сиз учун. Туйғуларим, қувончларим чексиз, поёнсиз. Сизни куйладим, қора қошларингизни, шаҳло кўзларингизни, зулфизар сочларингизни, ҳаё ила, ибо ила ерга боқишларингизни, ўтли-ўтли, нозли-нозли қарашларингизни. Мен сизни куйладим, Сизни, азизим...

Боғаро, чаманзораро иккиёлон танҳо сайр этгандик. Қушлар чуғурлашиб, саболар яйраб, гал бермай сўйларди бир-бирларига. Ифорли-ифорли, нозиктан гуллар йўлимизга поёндоз бўлди. Севги-муҳаббатдан бахт топганларнинг оёғи остида қолиб сулишни ўзларига бахт деб билди бу гуллар! Шух табассум қилди менга ғунчалар. Қушлар бошим узра парвона бўлди. Юрак туғёнларим гупириб-қайнаб «Севгида садоқатли бўлсин», — дедилар. Бошим узра қуёш мўл-кўл нур сочди. Сочларимга олтин тароқ бўлди бу нурлар. Қуёш кўзларимга бахтни беркитди. Бахтни ошкор қилди икки шўх кўзим. Узоқ давом этди фарахбахш айём. Қуёш Ойга берди бўшатиб зеро улар менинг бахтимдан қуйлашмоқда эди оламга.

Муҳаббатдан завқу-шавқ олиб, яна, яна, яна куйладим. «Беги бўлсам Тошкентнинг. Сен айлансанг ойига». Мен куйладим яна Сизни, яна севгимни. Қўшиқларим, севгиларим фақат сизгадир. Билиб қўйинг, менинг Сиздан ўзга севгим, Сиздан ўзга ғамгузорим, меҳрибоним йўқ. «Ғунча ёноқ севгилим йўқ, билиб қўй!»

Боғдан Сизга атаб ғунчалар тердим. Булар бари Сизга, ҳаммаси Сизга. Сизнинг қувончингиз — кўзларингизда! Муҳаббатим рамзларини англатиш учун яна қанча гуллар теررай, қанча шеър куйлай? Ҳар битта гул-юрагимнинг битта парчаси. «Алвон-алвон гул бўлса ишқ. Қучоқ-қучоқ терсак биз». Қўшиқларим-қалбимдаги ғаройиб гуллар. Уларни ягона гулдаста қилиб Сизга ҳадя қилиб бераман.

Мен куйладим. «Бу ширин жоним сенгадир, юр агар севсанг,

Олий бахтга етайлик, юр агар севсанг!»

Узоқ-узоқ давом этар ҳали бу қўшиқ!..

ГУЛЁРА.

Келинг, бир кулишайлик

ҲАЗИЛ — ЗИЛ

Қассоб юрист ҳузурига маслаҳатга келди:

— Мабодо бирор ит менинг растамдан гўшт юлиб қочса, итнинг эгаси менга ҳақини тўлаши керакми?

— Шубҳасиз.

— Ундай бўлса сизнинг итингиз бир неча дақиқа олдин менинг растамдан бир катта булакни олиб қочди.

— Яхши, — деди юрист, — агар сиз менга яна шундай бир булакни келтириб берсангиз, унда консультация учун оладиган ҳақимга тўғри келар экан.

* * *

Эри хотинига:

— Менга қара кечқуруни билан экранда қандайдир бадбашарани роса кўрсатишди-а...

— Камроқ ичиш керак, телевизор ишламаётганига анча бўлди, сиз бўлсангиз келганингиздан ойнанинг олдидан кета олмадингиз.

* * *

Танца залида студент севгилиси билан рақс тушаётиб бирданига йиқилиб тушди.

— Сув, сув олиб келинглар — қичқиради қиз.

Сув ичиришгач, студент секин кўзини очди-да:

— Бироз нон ҳам, — деди.

* * *

Штирлиц шифровка олди: «Сиз ўғиллик бўлдингиз. Алекс» Бахтиёрликдан Штирлицнинг ёноқларидан шашқатор ёш оқди.

Копелян қадр ортидан овоз беради:

— У ўн йилдан бери уйда бўлмаган эди.

* * *

Штирлиц қўзиқорин теришга қарор қилди. Урмонда сангибсангиб ҳеч нарса тополмади. «Эҳ, ҳали мавсуми келмаганга ўхшайди», — деди-да сумкасини ҳафсаласизлик билан қорга ташлади.

* * *

Бир чиновник ўз хўжайинининг кабинетига кирди-да, унинг бошидан банкадаги сиёҳни қуйиб юборди. Бу ҳам етмагандек столини устига чиқиб, рақс туша бошлайди. Шу лаҳзада эшик очилиб, кабинетга унинг ҳамкасби мўралаб деди:

— Бас қил Жак! Биз ҳазиллашгандик. Сен меросга ҳеч қанақа ўн миллион франк олмайсан.

* * *

Институтда синов пайти. Домла:

— Сенинг-ча, имтиҳон дегани, ўзи нима?

Студент:

— Икки ақлли кишининг суҳбати.

Домла:

— Агар улардан бирови аҳмоқ бўлса-чи?

Студент:

— Унда иккинчиси стипендия ололмайди.

* * *

— Ойи сут турадиган идишимизга сичқон тушибди.

— Чиқариб ташладингми?

— Йўқ, мушигимизни ташладим.

Газета саҳифаланаётганда

«БУДИМЭКС» ЎЗБЕКИСТОНДА

Тошкентдаги Марказий кўргазмалар залида Польшанинг қурилиш соҳасида ном чиқарган «Будимэкс» ҳиссадорлик жамияти билан таништириш маросими бўлди.

Фирма саноат иншоотлари, банк, меҳмонхона, уй-жойларни қуриш, биноларни таъмирлаш ва қайта тиклаш билан шуғулланади. Таништириш мақсадида ташкил этилган кўргазмада фирма фойдаланаётган бинокорлик материаллари ва турли ускуналарнинг фотосуратлари ва намуналари намойиш этилди.

(ЎзА).

«РОСТ» ФИРМАСИ СОТАДИ

1. НШ — 50, 32, НМШ — 25 насосларини. ПЭ 100/53 тортувчи насосларини.
2. 7419 ва бошқа подшипниклар (Россия маҳсулоти).
3. Т-28 х тракторн моторлари.
4. Т-4 тракторининг эҳтиёт қисмлари. А—0,1 матори, симентлар, ҳалқа, ФГ—305 фаралари.
5. «Ятрань» электр ёғув машинкаси.
6. Маҳсус иш кийимлари.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲ: Тошкент. Ҳамид Олимжон метро бекати. Икромова кўчаси 4-уй.

Телефон: 34-62-34.

ҚЎЙҲУҒРИЛАРИ

Эгри ишнинг умри қисқа

Шайтон йўлдан ураман деса, ураверяркан. Ҳайруллаям шундай бўлди. «Бешчашма» жамоат ширкат хўжалигида ишлаб юрувди. Турушт-турмуши эл қатори бўлган йигитнинг ҳаёли бузилди:

«Амакимнинг қўйи кўп. Бир-иккитасини «шимо» қилсам-чи... Ҳайрулла бу «ширин орзу»дан қутула олмади. Кечаси, ниятини амалга оширишга жазм қилди. Амакиси Алимардон Тўқбоевнинг уйда йўқлигини билган ҳолда унинг қўйхонасидан уч бош жайдари совлиқни ҳайдаб кетди.

Ҳали айтилганидек инсоф бўлмаса, қийин экан. Шунинг учун ҳам Хайрулла эртасигаёқ қўйнинг биттасини суяди. Амакисининг икки фарзандининг ризқини қийди.

Ўғирликнинг оши мазалидай туюлди. Шу боис Ҳайрулла Тўқбоевнинг иштаҳаси очилди:

«Изини совитиб «ов»га чиқсам қўлимдан келаркан, дея ўйлади. Ҳ. Тўқбоев. — Фақат майда-чуйдани йиғиштириб, йиригига ўтишим керак».

У режасини пишириб олгач, укаси Насриддинни чақирди:

— Каллага бир фикр келди. Ҳеч кимга айтмасанг натижаси зўр бўлади.

Йигирма икки ёшга кириб, тайинли ишнинг бошини тутмаган бу йигитга шу керак эди. Дарров рози бўлди. Шундан сўнг узаро жиноий тил бириктирган ака-ука йўлга тушдилар.

«Бешчашма» жамоа ширкат хўжалигига қарашли қўйларга Усар Сатторов деган шахс чўпон эди. Ака-ука ўғрилар айнан ушанинг отарини нишонга олишганди. Сурувдаги безовталиқдан хабар топган У. Сатторов қўтонга яқинлашади. Қараса, икки одам қўйларни ажратаётибди. Аввал бироз қўрқади. Нима қиларини билмайди. Сўнг уларнинг бировини танийди.

— Хайрулла, нима қилганинг бу?

Ўғрилар мум тишлагандай эди. Овоз чиқармай, ишини давом қилдираверишди. Зарра ҳайиқмай аксинча тош отиб чўпонни чўчитмоқчи бўлишди. Ўзларига яқинлаштирмадилар. Хўжаликнинг 30 бош, чўпоннинг эса 23 бош шахсий қўйини умариб кетишди. Чўпон дод-войлаганча қолаверди.

Мол аччиғи, жон аччиғи дейдилар. Шу сабабдан жабрдийдалар югуриб-елишга тушдилар, милицияга хабар қилишди. Бу пайтда эса иш анча чалкашиб кеттанди.

— Ишнинг жиддийлигини ҳисобга олиб, тергов ҳаракатларини олиб боришга Яккабоғ тумани ИИБ терговчиси Ҳуррам Чориевни чақирдик, — дейди Чироқчи тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Содиқ Хонкелдиев. — У ишончимизни оқлади. Жиноятчилар айбига иқрор бўлди.

Жиноий иш милиция майори Ҳ. Чориев томонидан муваффақиятли якунланди. Ака-ука ўғрилар ҳибса олиндилар. Қонунни бузмоқчи, жазосини олади. Фақат шу ўринда мулоҳазамиз бор. Қариндошлик, қондошлик наҳотки мол-дунёдан устун бўлса. Вақт ўтади. Жазо муддати тугайди. Аммо амакилар бир-бирига қайси юз билан қарайди? Кишини ўйлантирадигани ҳам шу.

Шукрулла АЛИҚУЛОВ,
журналист.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58;
хатлар бўлими — 36-54-65; тижорат бўлими — 33-79-69, 36-58-48; ижодкор ёшлар — 36-57-52; котибият — 36-55-96.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. —— 0310
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми —— 2 табоқ. Тираж — 9604.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——21.00
1 2 3 4 5 6